

# Ҳаж ибодатидан олинадиган ақидавий дарслар

﴿ دروس عقديّة مستفادّة من الحج ﴾

[الأوربيكي – Uzbek – Ўзбекча]

**Д. Абдураззоқ Абдулмуҳсин ал-Бадр**

**Таржимон:** *Абдулқайюм Абдулғаффорхон Термизий*

**Муҳаррир:** *Шамсиддин Дарғомий*

2010 – 1431

Islamhouse.com

# ﴿ دروس عقدية مستفادة من الحج ﴾

[ الأوزبكي - Uzbek - Ўзбекча ]

الشيخ د. عبد الرزاق بن عبد المحسن العباد البدر

مترجم: عبد القيوم بن عبد الغفار خان الترمذي

محرر: شمس الدين درغايي

2010 – 1431

islamhouse.com

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳ таолога ҳамду санолар, раҳномамиз ва ҳабибимиз Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи ва салламга, у зотнинг оила-аъзоларига, мўминлар оналари бўлмиш завжаи мутохҳараларига, саҳобалари ва уларга солиҳ амалларда маслакдош бўлган зотларга то қиёматга қадар Оллоҳнинг савоату саломлари бўлсин..

Қўлингиздаги ушбу китобча шайхимиз профессор, ақида фанлари доктори шайх Абдурраззоқ бин Абдулмуҳсин ал-ЪАббад, Ал-Бадр қаламига мансубдир.

Муаллиф ушбу китобчада, Роҳман Зотнинг меҳмонлари, азиз ҳожиларга улуғ ҳаж ибодатидаги ақидавий сабоқлардан муҳим бир дастасини тақдим этадилар. Зеро, Ислом динининг асоси ақидадир. Ислом шариати ана шу ақидага асослангандир. Бинобарин, ақида илми аҳком илмидан илғор туради. Айнан шу маънони Сўфи Оллоёр ҳазратлари ҳам:

**Ақида билмаган шайтона элдир,**

**Агар минг йил амал деб, қилса елдир.**

деган мисраларида баён этганди.

Ушбу китобчадаги ақидага тегишли қимматли сабоқлар ҳажга ташриф буюрган ҳар бир ҳожига муҳим бўлгани учун, уни ўзбек тилига бақадриҳол ўгиришга муваффақ бўлдик.

*Оллоҳ таолодан барча мусулмонларни тўғри йўлга бошлаб, гуноҳлармизни мағфират қилишини сўрайман.*

*Таржимон.*

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## Муқаддима

Улуғ ҳаж ибодати ҳақиқий иймон мадрасадир, десак муболаға бўлмас. Зеро ҳажга келган ҳар бир ҳожи диннинг ақида, ибодат, тарбия ва бошқа бобларида самарали сабоқлар ва фойдали панди-насиҳатлар олишга муваффақ бўлади. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, ҳаж сабоқларидан манфаатдор бўлишда ҳам ҳожилар ўзаро фарқли бўлишлари табиий. Тавфиқ Аллоҳдандир.

Ҳаж ибодати билан яқиндан танишган ҳар бир мусулмон, бу улуғ ибодатнинг бисёр диний ва дунёвий манфаатларни ўз ичига олганига гувоҳ бўлади.

Биз бу китобчада ҳаждаги ақидага тегишли саноксиз дарслардан атиги бир нечтасини баён этдик, холос. Оз бўлсада, улуғ ибодатлардан бири бўлган ҳаждаги ақидага тегишли сабоқлар билан танишмоқ фойдадан холи эмас, деган андиша билан ушбу китобчани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Маълумингиз, ақида барча амаллар унинг устида барпо бўлган диннинг асли - асосидир. Аммо таъкидламоқ жоизки, қуйида баён этилажак сабоқлар улуғ ҳаж ибодатидаги ақидага тегишли баъзи дарсларга ишорадир, холос.

*Муаллиф...*

## **Биринчи сабоқ: улуғ ҳаж ибодатининг юксак мадраса экани хусусида**

Ҳаж ибодати беш Ислом арконининг бири ҳамда ҳар бир банда Парвардигорига бандачилигини бажо келтирадиган фазилатли тоат-ибодатдир. Бу ҳақда жаноб Росулulloҳ ﷺ шундай марҳамат қилганлар:

"بني الإسلام علي خمس: شهادة أن لا إله إلا الله وأن محمدا رسول الله، وإقام الصلاة، وإيتاء الزكاة، وحج البيت".

**"Ислом дини беш нарса устига барпо қилингандир. Улар: Ла илаҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур росулulloҳ шаҳодат калимасини айтмоқ, намозни тўқис адо қилмоқ, закотни ато этмоқ, Рамазон рўзасини тутмоқ ва (қодир кишининг) Байтуллоҳни ҳаж қилмоғидир".<sup>1</sup>**

Дарвоқе, жаноб Росулulloҳ ﷺ умматини мана шу улуғ ибодат-ҳажни адо қилишларига чорлаб, уларга жуда кўп ҳадисларда ҳажда эришиладиган улкан ажру савобларни очик баён қилганлар.

Имом Муслим Аъмр ибн Ос رضي الله عنهдан қилган ривоятда жаноб Росулulloҳ ﷺ Аъмр бин Осга исломга янги кирган пайтида:

---

<sup>1</sup> -Бухорий 8, Муслим 16.

قال رسول الله ﷺ: "يا عمرو: أما علمت أن الإسلام يهدم ما قبله و أن الهجرة تهدم ما قبلها و أن الحج يهدم ما قبله"

**"(эй Аъмр) сиз Ислом дини (Ислом динига киришдан) олдинги гуноҳларни, ҳижрат ҳам ўзидан илгари ўтган нарсаларни, шунингдек ҳаж ҳам ўзидан илгариги гуноҳларни парчалаб ташлашини (ювиб юборишини) билмасмидингиз? – деганлар.<sup>2</sup>**

Имом Бухорий Абу Ҳурайра رضي الله عنهдан келтирган ривоятда жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"من حج ولم يرفث ولم يفسق رجع كيوم ولدته أمه"

**"Ножўя сўз сўзламай ва фисқу-фужурлик қилмасдан ҳажни (тўқис) адо қилган киши гуноҳларидан онасидан туғилган кундагидек қайтади"-деганлар.<sup>3</sup>**

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган яна бир ҳадисда жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"العمرة الى العمرة كفارة لما بينهما و الحج المبرور ليس له جزاء الا الجنة"

---

<sup>2</sup> -Муслим 121.

<sup>3</sup> -Бухорий 1521, Муслим 1350.

**"Икки умра, улар оралиғида қилинган (кичик) гуноҳлар учун каффоратдир. Мабрур (мақбул) ҳажнинг мукофати эса жаннатдир",**– деганлар.<sup>4</sup>

Ҳижратнинг ўнинчи йилидаги ҳажжатул-вадоъда, яъни видолашув ҳажжи деб аталган ҳажда Росулulloҳ ﷺ умматига улуғ ҳаж ибодатининг қай йўсинда бажарилишини амалий кўрсатдилар. Ҳажда бажариладиган барча феъл ва сўзларни ўзидан таълим олишларига ундаб:

"خذوا عني مناسككم فلعلي لا ألقمكم بعد عابي هذا"

**"Мендан ҳаж амалларини (ўрганиб) олингиз! Афтидан, мен бу йилдан кейин сизлар билан учрашмасам керак",**-дедилар.<sup>5</sup>

Қуръони каримнинг комил-тўқис бўлганлиги ҳақида берилган хабарни ўз ичига олган ушбу:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَاتَّمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾ المائدة: 3

**(Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар**

---

<sup>4</sup> -Муслим 1349.

<sup>5</sup> -Муслим 1297.



**учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим)** <sup>6</sup>, ояти ҳам жаноб Росулulloҳ ﷺ га ҳажжатул вадодо нозил бўлган эди.

Улуғ ҳаж ибодатини адо этиш ниятида Маккага йўл олган мусулмон оладиган биринчи сабоқ: барча ибодатларимда жаноб Росулulloҳ ﷺ суннатига эргашмоғи шарт эканини билмоғидир. Зотан Росулulloҳ ﷺ йўлларини тутган ҳолда адо этилган ҳаж, ҳақиқатда тўқис бажарилган ҳаж ҳисобланади. Ибодатларнинг тўқис адо этилиши Росулulloҳ ﷺга эргашиб орқали амалга ошади.

Ҳар йили ҳаж мавсими яқинлашган сайин дунёнинг турли чеккасида истиқомат қилаётган аҳли ислом ушбу муборак кунларда ҳаж қилиш, Байтуллоҳни кўриш истаги жунбушга киради. Ҳажга қодир ҳар бир мусулмон улуғ ибодатни бажариш, Байтуллоҳга бориб ҳажни адо этишга ошиқади.

Мусулмоннинг Байтуллоҳга боғланиши ва Байтуллоҳга нисбатан туғилган муҳаббатига келсак; бу нарса ҳар бир мусулмонда Ислом динига мансуб бўлган куниданоқ пайдо бўлади ва бу ҳаётининг энг сўнги лаҳзасигача давом этади. Маълумингизки, Ислом динида дунёга келган чақолоқ қулоғига биринчи ўринда Ислом дини арконларининг дастлабкиси бўлмиш **"Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадур росулulloҳ"** – шаҳодат калимаси айтилади.

---

<sup>6</sup> -Моида 3 -оят.

Шу тариқа ҳали ақлини танимаган гўдак Исломнинг аввалги асоси-рукни билан танишиб олади.

Ҳаж ибодати ҳам намоз каби Ислом арконларининг биридир. Шу боис, **"Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадур росулуллоҳ"** шаҳодат калимасини айтиб Ислом динига кирган инсон, шаҳодат калимасининг маъноси билан танишгандан сўнг намоз ўқишни ўрганади. Чунки намоз шаҳодат калимасидан кейинги рукнларнинг аввалгисидир.

**Ла илаҳа иллоллоҳ, Муҳаммадур-росулуллоҳ** шаҳодат калимасини айтган ҳар бир мусулмон Аллоҳ таоло бандаларига бир кеча – кундузда беш вақт фарз қилган намозларни тўлиқ адо қилмоғи фарздир. Ер юзидаги ҳамма мусулмон беш вақтлик фарз ва бошқа нафл намозларида Байтуллоҳга юзланадилар. Намозларда Байтуллоҳга юзланиш намоз фарзларининг биридир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿ قَدْ نَزَىٰ تَقَلُّبٌ وَجْهَكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ

الْحَرَامِ ﴿البقرة: ١٤٤﴾

**Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжид-ал-Ҳаром (Макка) тамонга буринг!**<sup>7</sup>

---

<sup>7</sup> -Бақара 144-оят.

Мусулмонларнинг Байтуллоҳ билан мустаҳкам боғлиқлигининг боиси шундандир. Зотан бир кеча – кундузда ўқиладиган фарзу нафл намозлар, дуо-илтижоларда Байтуллоҳга юзланиш ҳар бир мусулмон билан Байтуллоҳ ўртасидаги боғланишни кун сайин мустаҳкамлаб боради. Байтуллоҳ билан бўлган боғланиш ўз-ўзидан ҳар бир мусулмонни Байтуллоҳ томон йўл олишга, Каъбатуллоҳга тўйиб-тўйиб тикилишга ва улуғ ҳаж ибодатини адо этишга етаклайди. Натижада зоди–роҳила, яъни ҳажга бориб келгудек молга қодир бўлган ҳар бир мусулмон намозларида юзланаётган Байтуллоҳни ўз кўзи билан кўришга талпинади.

Байтуллоҳ тўғрисида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿ فِيهِ آيَاتٌ بَيِّنَاتٌ مِّمَّا بُرَّهِيْمَ ﴾ آل عمران: ٩٧

**«мақоми Иброҳим ва унга кирган одам ҳар қандай хавф-хатардан омон бўлиши (каби) очиқ оят-аломатлар бордир».**<sup>8</sup>

Азиз ҳожи биродарим! Ер юзининг шарқу ғарбидаги мусулмонларнинг қибласи бўлмиш Байтуллоҳни кўриб, унга келиб ҳаж қилишга муяссар этган Аллоҳ жалла-жалалухга чексиз ҳамду-санолар айтинг! Парвардигорга билдирган чексиз шукрларингиз улуғ ҳаж ибодатини адо

---

<sup>8</sup> -Оли Имрон 97-оят.

этишда нуқсон ёки зиёдаликка йўл қўймасдан жаноб Росулulloҳ ﷺ га эргашган ҳолда адо этишда номоён бўлади. Ҳаж амалларини тўлиқ бажариш суннатга эргашишни тақозо этади. Шу боис, ҳажни суннатга мувофиқ бажара олган ҳожи, ҳаж мажбуриятларида нуқсон ва камчилик ёки зиёдаликка йўл қўймасдан- ҳажни суннатга мувофиқ ҳолда бажарган ҳисобланади. Зеро, ибодатларимизни суннатга биноан бажариш, ҳар биримизнинг вазифамиздир. Шунингдек, бу улуғ ибодатни риёдан – ҳўжа кўрсиндан холи, Аллоҳ таоло ризоси ва савоб умидида, гуноҳларингизга мағфират бўлишини ният қилиб холис бажармоғингиз шариат муддаосидир. Ана шунда сиз диёрингизга бу муборак сафардан гуноҳингиз мағфур, саъю-ҳаракатларингиз машкур ва ибодатларингиз мақбул, иймон ва тақво, эзгулик ва тўғрилиқ ила гуллаб-яшнаган, Аллоҳ таола тоатини фаҳмлаган янги ҳаёт билан қайтасиз, иншаАллоҳ.

Ҳаж мавсими Аллоҳ таолога тавба-тазарруълар қилиш, У зот тоатига юз тутиб, ризосини исташ билан охират озуқасини ғамлаш учун қулай фурсат ҳисобланади. Улуғ ҳаж ибодатида ҳар бир ҳожи, ҳажнинг бошланғич ери – мийқотдан тортиб, то тавофул-вадогача ақида, ибодат ва ахлоқлар бобида бир қатор самарали сабоқу ибратларга эришади.

Улуғ ҳаж ибодати: ҳақиқий мўминлар битирадиган олий иймон мадрасасидир, дейилишининг боиси ҳам шундан бўлса ажаб эмас.

Шубҳасиз, ҳаж сабоқлари ҳар бир мўмин қалбига ўзгача ҳаёт бағишлайди, иймонни мустаҳкамлайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَكَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾﴾

لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ

الْأَنْعَامِ ﴿الْحَجَّ: ٢٧ - ٢٨﴾

﴿(эй Иброҳим) одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга (яъни сенинг даъватинга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (яъни Қурбон ҳайити кунларида, Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйиш) устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун (келурлар)﴾<sup>9</sup>

---

<sup>9</sup> -Ҳаж 27-28 оятлар.

## **Иккинчи сабоқ: Ҳаждаги манфаатлар хусусида**

Биз ўтган дарсда улуғ ҳаж ибодатининг фазилати ва унинг олий мақом ибодатлиги ҳамда ҳаж ибодати Исломнинг беш рукнидан бири экани билан бақадриҳол танишган эдик. Айки чоғда бу улуғ ибодатда мужассам бўлган диний ва дунёвий манфаатларни санаб саноғига етиб бўлмаслигига ҳам ишора қилган эдик.

Дарҳақиқат, ҳаж ибодати бошидан охиригача ҳам диний, ҳам дунёвий манфаатларга бой ибодатдир. Буни биз Аллоҳ таоло Халили Иброҳим ﷺ пайғамбарга айтган сўзларидан биламиз:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾  
لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ  
الْأَنْعَامِ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعُمُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾﴾  
الحج: ٢٧ - ٢٨

**Одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга (яъни сенинг даъватинга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устидва келурлар. Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (яъни Қурбон ҳайити кунларида, Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйиш) устида Аллоҳ**

**номини зикр қилиш учун (келурлар) ﴿﴾<sup>10</sup>** – деган хитобидан билсак бўлади.

Мазкур ояти каримадаги " **منافع** " – манфаатлар калимасининг накра сийғасида, яъни алиф-ломсиз муайян манфаатни ифода қилмаган номаълум сийғада келди. Бу эса ҳаж ибодати барча диний ва дунёвий манфаатларни ўз ичига олиши ва бу манфаатлар ҳаждан бошқа ибодатларда учрамаслигига очиқ ишорадир.

Ибн Абу Ҳотим тафсир китобида Абдуллоҳ бин Аббос **﴿﴾**нинг: **﴿﴾Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлишлари учун ﴿﴾** – ояти тафсирида: ушбу манфаатлардан мурод: дунё ва охират манфаатларидир. Охират манфаатлари Аллоҳ таоло ризосидир. Дунёвий манфаатлар ҳаж ибодати асносида етадиган қурбонликлар ва тижоратдир, деган сўзларини ривоят қилганлар.<sup>11</sup>

Абдурроззоқ раҳимаҳуллоҳ Мужоҳид роҳимаҳуллоҳнинг ушбу оятдан мурод: Тижорат ва Аллоҳ рози бўладиган дунё ва охират ишларидир, деганларини ривоят қилганлар.<sup>12</sup>

Имом Тобарий роҳимаҳуллоҳ эса ушбу ояти-карима тафсирида Мужоҳид роҳимаҳуллоҳдан: "Охиратдаги ажру-

---

<sup>10</sup> -Ҳаж 27-28 оятлар.

<sup>11</sup> -дуррул-мансур/Суютий 6/37.

<sup>12</sup> -Тафсир Абдурроззоқ 2/36.

савоб ва дунёдаги тижоратдир"- деганини ривоят қилганлар.<sup>13</sup>

Демак ҳожилар ҳаж ибодатида бир вақтнинг ўзида ҳам диний, ҳам дунёвий манфаатларга эришадилар. Фазилатли тоат-ибодатлар: диний фойда ва манфаатлардир. Дунёвий манфаатлар ҳақида эса Аллоҳ таоло ҳаж оятида:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ﴾ البقرة: ۱۹۸

**﴿(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан)  
Парвардигорларингиздан фазлу карам  
исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир﴾**  
- деб хабар берди.

Имом Абу Довуд ва бошқалар Ибн Аббос رضي الله عنهнинг: "Одамлар ҳаж мавсимида савдо-сотиқ, тижорат қилиб бўлмайдди, бу кунлар зикр кунларидир-дейишди. Шунда Аллоҳ таоло ушбу:

﴿لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ﴾ البقرة: ۱۹۸

**﴿(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан)  
Парвардигорларингиздан фазлу карам  
исташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ**

---

<sup>13</sup> -Жомеул-баён 10/147.



**йўқдир**<sup>14</sup>- оятини нозил қилган эди, деганларини ривоят қилганлар.

Ушбу оят мазмунида Ибн Аббос رضي الله عنهнинг: Сизлар учун эҳром боғлашдан олдин ҳам, эҳромдан чиққандан кейин ҳам савдо-сотик қилишларингизда ҳеч бир гуноҳ йўқдир-деган сўзлари саҳиҳ хабарларда собит бўлган.<sup>15</sup>

Шайх Муҳаммад Ал-Амин аш-Шинқитий роҳимаҳуллоҳ тафсир китобида:

﴿ لَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَبْتَغُوا فَضْلًا مِنْ رَبِّكُمْ ﴾ البقرة: ١٩٨

**«(Ҳаж сафарида тижорат қилиш билан) Парвардигорларингиздан фазлу карам ишташингиздан сизлар учун ҳеч қандай гуноҳ йўқдир»**

-оятини маъносида уламолар: ҳожилар учун ҳаж кунларида ибодатларига ҳалал бермасдан тижорат йўли билан пул топишларида ҳеч қандай гуноҳ йўқдир, деб иттифоқ қилганлар деганлар.<sup>16</sup>

Ҳаж мавсимида ҳожиларга етадиган дунёвий манфаатлардан яна бири: ҳажда сўйиладиган

---

<sup>14</sup> -Бақара 198, жомеул-баён 10/147.

<sup>15</sup> -Тафсир Ибн Жарир 2/282.

<sup>16</sup> -Азвоул-баён 5/489.

қурбонликлардир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай хабар берди:

﴿لَكُمْ فِيهَا مَنفَعٌ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ مَحْمُلَهَا إِلَىٰ الْبَيْتِ الْعَتِيقِ﴾ الحج: ۳۳

﴿Сизлар учун уларда (яъни Байтуллоҳда қурбонлик қилиш учун олиб кетаётган қўй, мол, туяларингизда) маълум муддатгача фойда-манфаат бордир (яъни йўлда уларни қўзилатиб, соғиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз жоиздир). Сўнгра, Эски Уйга (етгач), уларни сўйиш вожибдир﴾. (Ҳаж 33).

Аммо ҳожиларнинг ҳажда эришадиган беназир диний манфаатлари ҳар қандай дунёвий фойда-манфаатлардан устундир. Барча тоат-ибодатларида Аллоҳ азобини кўз олдига келтириб, У зот амрига бўйсуниб, қайтариқларидан четланган ҳолда катта ажру-савоб ва мағфиратга эришган хожи учун бу улуғ ибодатдан онадан тўғилган кундагидек гуноҳ ва хатолардан пок бўлиб чиқишдан кўра каттароқ фойда бўлмаса керак, албатта. Аллоҳ субҳонаҳу айтади:

﴿وَاذْكُرُوا اللَّهَ فِي أَيَّامٍ مَّعْدُودَاتٍ فَمَن تَعَجَّلَ فِي يَوْمَيْنِ فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ وَمَن تَأَخَّرَ فَلَا

إِثْمَ عَلَيْهِ لِمَنِ اتَّقَىٰ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَعْلَمُوا أَنَّكُم لِلَّهِ مُخْشِرُونَ﴾ البقرة: ۲۰۳

﴿Ким икки кунда шошилиб (зикрни тўхтатса) унга гуноҳ йўқ, ким кейинда (учинчи кунга ҳам) қолса, унга-да гуноҳ йўқдир. (Мазкур ҳукмлар) тақводор кишилар учундир﴾. (Бақара 203).

Ибн Жарир ат-Тобарий роҳимахуллоҳ ушбу оят тафсирида уламолар сўзларини бир қатор зикр қилгач, оятдан мурод: кимда-ким уч кунлик Мино кунларининг иккинчи кунда шошилиб, иккинчи кун Минодан чиқиб кетса, унинг гуноҳларини Аллоҳ таоло ювиб, мағфират қилганлиги туфайли, у учун ҳеч бир гуноҳ йўқдир. Башарти у, ҳаж ибодатини адо қилаётганда Аллоҳдан қўрқиб, У зот буйруқларига бўйинсуниб, қайтариқлардан четланган ҳолда, Аллоҳ буйрига итоат этган бўлса. Худди шундай, кечиккан яъни ҳайитнинг тўртинчи кунда ҳам минода қолган ҳожи учун ҳам Аллоҳ таоло гуноҳларини ювганлиги боисидан ҳеч бир гуноҳ йўқдир, башарти у ҳам ҳаж амалларини Аллоҳдан қўрққан ҳолда адо этиб, У зот буйриғини бажарган бўлса", деганлар.<sup>17</sup>

Пайғамбаримиз ﷺ марҳамат қиладилар:

"من حج ولم يرفث ولم يفسق رجع كيوم ولدته أمه" -

***"Ножўя сўз сўзламай ва фисқу-фужурлик қилмасдан ҳажни (тўқис) адо қилган киши, гуноҳларидан онасидан туғилган кундагидек қайтади".<sup>18</sup>***

Бошқа бир ривоятда Росул Акрам ﷺ:

---

<sup>17</sup> -Жомеул-баён 2/309.

<sup>18</sup> -Бухорий 1521, Муслим 1350.

والحج المبرور ليس له جزاء الا الجنة",

**"Мабрур (мақбул) ҳажнинг мукофоти фақат жаннатдир"**<sup>19</sup> - деб марҳамат қилганлар.(3)

Имом Насоий ва бошқалар ривоятида Росулulloҳ ﷺ:

"تابعوا بين الحج والعمرة فإنهما ينفيان الفقر والذنوب كما ينفي الكير خبث الحديد"

**"Тез-тез ҳаж ва умра қилиб турунгиш! Зеро бу икки амал аланга темирнинг зангини кеткизгани каби фақирлик ва гуноҳларни кеткизур"**,<sup>20</sup> – деганлар.(4)

Мазкур оят ва ҳадислар ҳаж амалларини Аллоҳ буюрганидек ўрнига қўйиб бажарган ҳожилар гуноҳларидан Аллоҳ таоло:

﴿فَلَا إِثْمَ عَلَيْهِ.....لِمَنِ اتَّقَى﴾ البقرة: ۲۰۳

**«Унга гуноҳ йўқ. (Мазкур ҳукмлар) тақводор кишилар учундир»** – ояти ҳожиларнинг ҳаждан тақводор бўлиб чиқишларини ифодаламоқда. Қолаверса, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ўз фазли марҳамати ила Байтуллоҳга ҳаж

---

<sup>19</sup> -Муслим 1349.

<sup>20</sup> -Насоий 5/115, Табароний /кабир 11196. албоний саҳиҳа 1200.

мақсадида ташриф буюрган ҳожилар Арафот майдонида турганларида, улар билан фахрланади ва фаришталарга хитобан:

"أنظروا الي عبادي اتوني شعنا غيرا ضاحين من كل فح عميق أشهدكم أني قد  
غفرت لهم"

"Йироқлардан сочлари тўзиб, чанга ботиб ҳузуримга ташриф буюрган бандаларимга боқинглар! Албатта Мен уларнинг гуноҳларини кечирдим. Сизларни шунга гувоҳ қиламан!<sup>21</sup> –дейди.

Ҳожиларнинг улуғ ҳаж ибодатидан Аллоҳ таолонинг мағфиратидек беназир ютуқ билан қайтишларининг сирини ҳам шундадир. Бундан сўнг ҳожилар иймону тақвога пур, эзгулик ила обод, янги ҳаётга шахдам қадам ташлайдилар.

---

<sup>21</sup> -Саҳиҳ Ибн Хузайма 2840.

## **Учинчи сабоқ: Тавҳид калимаси ила овозни баралла кўтаришдаги ақидавий далолатлар**

Улуғ ҳаж ибодатига ташриф буюрган мусулмоннинг ҳаж ибодатидан оладиган муҳим сабоқларидан бири: барча ибодатлар бешерик ва ёлғиз Аллоҳ таолога бажо келтирилиши шартлигини тўғри тушинишидир.

Ҳажга келган ҳар мусулмон ҳаж амалларини тавҳид калимасини эълон қилиш ва ширкни улоқтириш билан бошлайди. Ҳар бир ҳожи баралла овозда:

"لبيك اللهم لبيك لبيك لا شريك لك لبيك إن الحمد والنعمة لك و  
المملك لا شريك لك"

**"Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ло шарика лака лаббайк. Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк, ла шарика лак"**- деб талбия айтиб, ҳаж ёки умара амалини бошлайди. Талбия ихлос калимасидир. Талбия калимасида: барча ибодатлар ёлғиз Аллоҳ таолога бажо келтирилиши ҳамда ибодатларда ширк аралашмаслиги шарт. Ризқ беришда бешерик бўлган Аллоҳ, тавҳид бобида ҳам бешерикдир, деган етук маънолар мужассамдир.

Мазкур маънони тушуниб етган ҳар бир ҳожи барча ибодатлар, дуо ва таваккуллар, мадад тилашлар ёлғиз Аллоҳга қилиниши шартлигини англайди.

Бандалар барча тоат-ибодатларни, жумладан ҳажни ҳам ёлғиз Аллоҳ ризоси учун бажаришлари шартдир, деган маъно талбияда ҳам ўз ифодасини топгандир. Буни эса

талбияни тил учида эмас, дилдан айтиб, маъносини чаққан хожи билади. Ҳаждаги талбия маъносини англаб етган ҳар бир хожи Аллоҳ таолодан бошқа (нарсаси ёки кимсалар)га сиғинганлар, У зотга ширк келтирган ҳисобланганини, ширк аралашган ибодатлар бефойда ва беҳуда эканини ва ширк келтирганлар зиёнкорлар эканини чуқур англайди. Мақсад, талбия айтиш эмас, балки талбия англаган маънога амал қилишдир. Чунки мушриклар ҳам талбия айтганлар, бироқ уларнинг талбияларида ширкий маъно бор эди. Жоҳилият давридаги мушриклар:

"لبيك لا شريك لك إلا شريكا هو لك تملكه وما ملك" ,

**"Лаббайка ла шарика лак, илла шарикан ҳува лак, тамликуху вама малак"** – дейишиб, ботил "худо"ларини ибодат бобида Аллоҳ таолога шерик қилардилар.

Ислом дини жоҳилият давридаги **"ширкий"** талбия ўрнига Аллоҳ таолонинг тавҳиди, ихлос ҳамда катта-ю кичик амалларда ширкдан бутунлай холи бўлган талбияни таълим берди. Бир вақтнинг ўзида Аллоҳга ҳам иймон, ҳам ширк келтирувчилар - мушриклар ҳақида эса Аллоҳ таоло бундай хабар берди:

﴿ وَمَا يُؤْمِنُ أَكْثَرُهُمْ بِاللَّهِ إِلَّا وَهُمْ مُشْرِكُونَ ﴾ يوسف: ١٠٦

﴿Уларнинг кўплари Аллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидагина иймон келтирадилар﴾ (Юсуф 106). Яъни, улар Аллоҳ таолонинг Холиқ, Розик ва коинот ишларини Тадбир этувчи зот эканлигига иймон келтирадилар, бироқ

ибодатга келганда Аллоҳ таолога на фойда ва на зарар етказишга ёки бирон нарсадан маҳрум қилишга қодир бўлмаган, ўзгалар у ёқда турсин ақалли ўзларига ҳам бирон бир манфаат етказишга қодир бўлмаган бут ва санамларни шерик қиладилар. Кўпчилик яратувчи зот ягона Аллоҳдир, деб ишонадилар, бироқ ибодатда Унга ўзгаларни шерик қиладилар. Аллоҳни қўйиб ботил "худо" ларига ибодат қиладилар.

Ибн Жарир ат-Тобарий роҳимаҳуллоҳ Ибн Аббос رضي الله عنهнинг: "Ўша мушрикларга осмонлару ерни ким яратган? – дейилса, улар: Аллоҳ –деб жавоб берадилар. Бу уларнинг иймонидандир, деганларини ривоят қилганлар.

Иъқрима роҳимаҳуллоҳ айтдилар: Мушриклардан осмону ерни ким яратган? –деб сўрасангиз, Аллоҳ – деб жавоб берадилар. Бу уларнинг иймонидир. Лекин улар Аллоҳни қўйиб бошқа нарсаларга ибодат қиладилар.

Ибн Зайд роҳимаҳуллоҳ айтади: Аллоҳ таолонинг Яратувчи ва Розик эканлигини била туриб, ҳам Аллоҳга, ҳам У зотдан ўзгага ибодат қилиб, У зотга ширк келтирган кимсалар иймонли бўлиши мумкинми?! Иброҳим عليه السلامнинг мана бу сўзига эътибор қилинг!

﴿ فَإِنَّهُمْ عَدُوٌّ لِّيَ الْإِلَهِاتِ الْعَالَمِينَ ﴿٧٧﴾ الَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهْدِينِ ﴿٧٨﴾ ﴾ الشعراء: ٧٧ - ٧٨

**﴿Сизлар ўзингиз ҳам, қадим-қадим ота-боболарингиз ҳам ибодат қилгувчи бутларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Шак-шубҳасиз, улар мен учун**



**душмандир, магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман)». (Шуоро 77-78).**

Иброҳим пайғамбар ﷺ ўз қавмининг Аллоҳ таолога иймон келтиришлари, айна пайтда У зотдан ўзга бутларга ибодат қилишларини билардилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таолога ширк келтирувчи мушрик кимса айна вақтда мўмини комил бўлиши мумкинми?!

Энди жоҳилият давридаги араб мушрикларини талбиясига диққат қилинг. **"Лаббайка ла шарика лак, илла шарикан ҳува лак, тамликуҳу вама малак".<sup>22</sup>** Яъни, эй Аллоҳ Сенинг хизматинга доим шаймиз. Сенга ҳеч бир шерик йўқ магар биргина шерик бордир. Аммо Сен унинг ўзига ҳам, молига ҳам молиқдирсан, – дердилар.

Демак, Росулulloҳ ﷺ давридаги мушриклар ҳам Аллоҳ таолонинг борлиги ва бирлигини инкор қилмаганлар. Улар ҳам Яратувчимиз, Роззоқ зот ҳамда ишларимизнинг тадбиркори ёлғиз Аллоҳдир, деб тан олганлар. Лекин ибодатга келганда Аллоҳ таолога тош, дарахт ва бутлар каби нарсаларни шерик қилганликлари Қуръон-каримнинг кўп оятларида баён этилган. Мисол учун Анкабут сурасида бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай дейди:

---

<sup>22</sup> -Жомеул-баён 8/77-78.

﴿أَوَلَمْ يَرَوْا أَنَّا جَعَلْنَا حَرَمًا آمِنًا وَيُنَظِّفُ النَّاسَ مِنْ حَوْلِهِمْ أَفِيَا لَبِطِلٍ يُؤْمِنُونَ وَبِنِعْمَةِ اللَّهِ﴾

﴿يَكْفُرُونَ﴾ العنكبوت: ٦٧

﴿Қасамки, агар сиз улардан: "Осмонлар ва Ерни яратган, қуёш ва ойни (Ўз измига) қаратган зот ким?-деб сўрасангиз, албатта улар:"Аллоҳ",-деб (жавоб қилурлар). Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдалар-а?!﴾ (Анкабут 67).

Ибн Касир роҳимаҳуллоҳ ушбу ояти карима тафсирида: Аллоҳ таоло ушбу ояти-каримада ёлғиз Ўзидан бошқа ибодатга ҳақли бирон бир "илоҳ" йўқлигини тавсиф этмоқдадир. Чунки мушриклар ибодат бобида Аллоҳ таолога, У зотдан ўзга бут ва санамларни шерик қилсаларда, бироқ осмонлару ер, қуёшу ойни яратишда ҳамда кеча кундузни мусаххар этишда Аллоҳнинг мустақил эканига иқрор эдилар. Шунингдек улар Аллоҳ таолонинг махлуқотларни яратганлиги, уларга ризқ берувчи зот эканлигини ҳамда ажалларини ўзаро тафовутли қилган ҳам, илмий азалийси ила бойликка яроқли бандасини бой-бадавлат, бошқа бирларини камбағал-бечора қилган ҳам ягона Аллоҳ эканини тан олардилар.

Шу боис, юқоридаги оятда Аллоҳ субҳонаху Ўзининг борлиқни яратишда ҳам, коинот ишаларини тадбир этишда ҳам ёлғиз зот эканлигини эслатмоқда. Шундай экан, қайси вайдан У зотдан ўзга нарсалар ибодатга ҳақли бўлиши мумкин?! Нега энди Аллоҳни қўйиб ҳеч бир нарсани тадбир этишга қодир бўлмайдиган нарсаларга таваккул

қилинади?! Нега мулкида бешерик бўлган зот, ибодатда ҳам бешерик этилмайди!

Мушриклар ибодат бобида Аллоҳга ширк келтирадилар. Айнаи вақтда бутун борлиқни яратган ягона Аллоҳдир, деб иймон келтирадилар. Шу туфайли Аллоҳ таоло уларга Қуръон оятларида Ўзининг улуҳият мақомини, яъни Ўзининг барча ибодатга ҳақли эканини, улар эътироф этган рубубият сифати, яъни Ўзининг барча коинотни яратувчи зот экани орқали исботлайди. Чунки мушриклар юқорида айтганимиздек талбияларида: **"Эй Аллоҳ Сенинг хизматингга шаймиз. Сенга бирон шерик йўқ, магар Ўзининг мулкинг бўлган биргина шерик бордир"**, дейишарди.<sup>23</sup>

Айнан шу маъно Қуръони-каримда тавҳид ар-Рубубияни тан олган кофирлар, сиғинишда ҳам Аллоҳ таолони якка зотдир, деб тан олишлари шарт, деган ўринларда далил сифатида келтирилиб, бу ўринларда Аллоҳ таоло уларга **"истифҳоми тақрир"**- тан олдириш сўроғи сийғаси билан хитоб қилди. Улар Аллоҳнинг ягона яратувчи эканини тан олишгач, ибодатга ҳақли ҳам ўзи эканини исботлади. Мушриклар Аллоҳ таоло ягона яратувчилигига иймон келтирганликлари учун эмас, балки ибодат бобида Аллоҳга бошқа нарса ёки кимсаларни ширк келтирганлари учун маломат қилиндилар.

---

<sup>23</sup> -Тафсир Ибн Касир 6/301.

Шунинг учун Парвардигорнинг бешериклиги ва Бирлигига иймон келтирган мусулмон барча ибодатини ёлғиз Аллоҳга холис қилмоғи шарт. Демак, Аллоҳни яратгувчи, ризқ бергувчи ва коинот ишларини тадбир этгувчи зот деб тан олиш тавҳид – Аллоҳ Бирдир, деб иймон келтириш учун кифоя қилмас экан. Бошқача таъбир билан айтганда, дўзах ўтидан ўз жонини сақламоқчи бўлган ҳар бир шахс фақат Аллоҳга сиғиниши шарт.

Демак, тавҳид ар-рубубият, яъни ибодатни холис Аллоҳга қилмасдан туриб, Аллоҳни яратиш ва ризқ ато этишда бешерикдир, дейишнинг ўзи Тавҳид учун кифоя қилмайди. Ибодатларнинг Аллоҳ наздида мақбул бўлиши учун барча ибодат ёлғиз Аллоҳга холис бажарилиши фарз. Бинобарин Аллоҳ таолонинг бирлиги, ягона яратувчилигига иймон келтириб, барча ибодатларини холис, Аллоҳ ризоси учун бажарган киши ҳақиқий мўмин ҳисобланади. Зеро яратиш ва ризқ беришда ягона-ёлғиз бўлган зот, ибодатда ҳам ёлғиз бўлмоғи шартдир. Аллоҳ таоло айтди:

﴿الَّذِي جَعَلَ لَكُمُ الْأَرْضَ فِرَاشًا وَالسَّمَاءَ بِنَاءً وَأَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجَ بِهِ مِنَ الثَّمَرَاتِ رِزْقًا

لَكُمْ فَلَا تَجْعَلُوا لِلَّهِ أَنْدَادًا وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿البقرة: ٢٢﴾

﴿У зот сизлар учун Ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлсин, деб мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг﴾. (Бақара 22).

Ушбу оят тафсирида Ибн Аббос رضي الله عنه: яъни, сизлар Аллоҳ таолога на фойда ва на зарар етказа олмайдиган бутларни тенглаштирмангиз, шерик қилмангиз?! Ҳолбуки сизлар У зотдан ўзга ризқ берувчи зот йўқлигини, пайғамбар (ёлғиз Аллоҳга) ибодат қилишга даъват қилаётган Аллоҳ таолонинг ёлғиз зот эканлигини ҳам биласизлар?!-деганлар.<sup>24</sup>

Қатода роҳимахуллоҳ айтади: "Сизлар ва Осмону ерни яратган Аллоҳ таоло эканлигини била туриб, унга ўзгаларни тенглаштирамангизми?!".<sup>25</sup>

Ислом умматининг тавҳид ар-рубубия, тавҳид ал-улуҳия ва тавҳид ал-асмо ва сифатларни билиши, Аллоҳ таолонинг бу умматга ато этган энг улуғ неъмат ва тўғри йўлга ҳидоятдир.

Улуғ ҳаж ибодатида баланд овоз билан Тавҳид талбиясини айтиш эса мисли йўқ улкан неъматдир.

Аллоҳ таолога тавфиқи, фазли карами ва ҳидоятлари учун ўзи суйиб, рози бўладигандек кўп ва барокатли ҳамду-санолар бўлсин!

---

<sup>24</sup> -Тафсир Ибн Жарир 1/164.

<sup>25</sup> - Тафсир Ибн Жарир 1/164.

## **Тўртинчи сабоқ: Ширкдан огоҳлантиргувчи талбия далолати**

Биз ўтган дарсда Аллоҳ тавҳиди билан овоз кўтарилиб, ширкни улоқтирувчи талбия фазилати билан қисман танишган бўлдик.

Энди бу борада ворид бўлган айрим хабарлар билан танишамиз. Улуғ саҳобий Жобир бин Абдуллоҳ ﷺ жаноб Росул Акрам ﷺ ҳажининг васфида бундай деган эдилар: жаноб Росул Акрам ﷺ тавҳид калимаси билан овозларини баралла кўтариб:

لَبَّيْكَ اللَّهُمَّ لَبَّيْكَ لَا شَرِيكَ لَكَ إِلَّا الْحَمْدُ وَالنِّعْمَةُ لَكَ وَالْمُلْكُ لَا شَرِيكَ

***"Лаббайка аллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк. Иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк ла шарика лак"-дердилар.***<sup>26</sup>

Абдуллоҳ бин Аббос ﷺ: талбиянинг тавҳид деб аталишининг боиси: у барча ибодатларни ёлғиз Аллоҳ таолога холис қилиш ва ширкни улоқтиришни ўз ичига олганлиги сабаблидир, деганлар.

Ҳаж ва умра ибодатида айтиладиган талбия ниҳоят юксак маъно ва чуқур мадлулга эга бўлиб, у: барча

---

<sup>26</sup> -Муслим 1218.

амаллар унинг устида барпо қилинган диннинг руҳи ва негизи бўлган Аллоҳнинг тавҳиди-Бирлигини ўз ичига олгандир. Шу боис талбияни баланд овоз ила айтаётган зотлар, уни айтишларидан бурун маъноси ва далолатларини бир карра ёдга олмоқликлари лозим. Ана шунда феъллари сўзларига мос, тавҳидни маҳкам тутиб, ҳуқуқларига риоя қилган, тавҳидни бузувчи ширкдан ўта ҳазар қиладиган, айтган талбиясида содиқ бўлган зотларга айланадилар. Талбия калимасининг маъносини англаган ҳар бир мусулмон шубҳасиз барча истак ва тилаklarини ёлғиз Аллоҳдан тилайди. Ёлғиз Аллоҳ таолога таваккул қилиб, ёрдам ва кўмакни ҳам У зотнинг ўзидан сўрайди. Барча ибодатларини ризқни мўл қилиш ҳам, қисиб қўйиш ҳам, фойда ҳам, зарар ҳам илгида бўлган ягона зот Аллоҳга бажо келтиради. Аллоҳ таоло айтади:

﴿أَمِّنْ يُحِيبُ الْمَضْطَرَّ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ خُلَفَاءَ الْأَرْضِ ۗ إِنَّكَ مَعَ اللَّهِ

قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ ﴿٦٢﴾ النمل: ٦٢

﴿Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушкулени осон қиладиган ҳамда сизларни Ернинг халифа-эгалари қиладиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!﴾ (Намл 62).

Демак, "Ла шарика лак" –деб, баланд овозда талбия айтаётган мусулмон, ширк гирдобига тушиб қолмаслиги учун ширкнинг ҳақиқати ва хатари нақадар аянчли эканини

хам билмоғи шарт экан. Аллоҳ сақласин.. Аллоҳ таолога ширк келтириш шубҳасиз дунё ва охиратда қаттиқ азоб-уқубатга дучор қилади. Аллоҳ таолога ширк келтирганлари сабабли мушрикларнинг молу-жонлари ҳалол ҳисобланади. Хотин ва бола-чақаларининг асирга олинишларига сабаб ҳам мушрикликларидир. Бу улар учун қўлланадиган бу дунёдаги қаттиқ уқубатдир. Бироқ шуни таъкидлашимиз жоизки, Аллоҳ таолога ибодат бобида ўзи билмаган ҳолда ширк келтирган кишилар, жон ҳалқумга таялмасдан бурун тавба қилсалар Аллоҳ тавбаларини қабул қилиши, билмасдан ширк келтирган бандаларининг бу гуноҳларини мағфират этиши ҳақида шундай хабар берди:

﴿إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدِ افْتَرَىٰ إِثْمًا

عَظِيمًا﴾ النساء: ٤٨

«Албатта Аллоҳ Ўзига (бирон нарса ё кимсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур. Ким Аллоҳга (бирон кимса ёки нарсани) шерик келтирса, бас, у буюк гуноҳни тўқиб чиқарибди». (Нисо 48).

Моида сурасида:

﴿إِنَّهُ مَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ اللَّهُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَهُ النَّارُ وَمَا لِلظَّالِمِينَ مِنْ أَنْصَارٍ﴾

المائدة: ٧٢



﴿Албатта кимда ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас﴾ деб хабар беради.(Моида 72).

Зумар сурасида айтди:

﴿وَلَقَدْ أَوْحَىٰ إِلَيْكَ وَإِلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكَ لَئِن أَشْرَكَتَ لَيَحْبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٦٥﴾﴾

بَلِ اللَّهِ فَاعْبُدْ وَكُنْ مِنَ الشَّاكِرِينَ ﴿٦٦﴾ الزمر: ٦٥ - ٦٦

﴿Дарҳақиқат (эй Муҳаммад) сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга) ҳам (шундай) ваҳий қилинғандир: "Қасамки, агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан! Йўқ, сен ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилгин ва шукур қилгувчилардан бўлгин!"﴾.(Зумар 65-66).

Бу маънодаги оятларнинг ҳаммасида Аллоҳ таоло бандаларини Ўзига бирон нарса ёки кимсаларни шерик қилишдан огоҳлантириб, уларга ширкнинг аянчли оқибати ҳақида хабар беради. Зотан, Аллоҳ таолога ширк келтирган кишининг бирдан-бир ортирган фойдаси; хорлик ҳамда охиратда жаннатдан маҳрум бўлишдир, холос. Чунки Аллоҳга ширк келтириш на фақат катта зулм, балки Аллоҳ таолони ҳақоратлаш, У зот ҳаққини ўзгаларга буриш ва Унга ўзгаларни тенглаштириш ҳамдир. Аини чоғда ширк келтириш яратиш ва буюриш мақсадига бутунлай зиддир. Ширк калимаси замирида юксаклик ва улуғлик соҳиби Аллоҳ таолога, яратган махлуқини тенглаштириш деган

маъно бордир. Шундай экан, биров у ёқда турсин ўзига на фойда беришга ва на ўз нафсидан зарарни даф қилишга, ўлдириш ва тирилтиришга қодир бўлмаган махлуқ, яратиш мулки бўлган, бор яхшиликлар калитини қўлида тутган ҳамда барча ишлар унга қайтадиган Аллоҳ таолога қандай тенг бўлсин?!

Зотан, фақат Аллоҳ ирода қилган нарса бўлиб, У зот истамаган нарса ҳеч қачон бўлмас. У зот берган нарсани қайтаргувчи ва У зот қайтарган нарсани берувчи йўқдир. У зотнинг бандаларига юборган раҳматини тўсувчи ҳам, У зот қайтарган нарсани юборувчи ҳам бўлмаган якка ҳоким ёлғиз Аллоҳдир. Ана шулардан хабардор ҳар бир мусулмоннинг вазифаси: ўзи билиб-билмай ширкга тушиб қолмаслиги учун ихтиёт чораларини иташдир. Абул Анбиё Иброҳим алайҳис саломдек зот ҳам ўзи билмаган ҳолда ширк гирдобига тушишдан хавфсираб қуйидагича илтижо қилган эканлар:

﴿رَبِّ اجْعَلْ هَذَا الْبَلَدَ آمِنًا وَاجْنُبْنِي وَبَنِيَّ أَنْ نَعْبُدَ الْأَصْنَامَ ﴿٣٥﴾ رَبِّ إِنَّهُمْ أَضَلُّنَ كَثِيرًا

﴿مِنَ النَّاسِ﴾ إبراهيم: ٣٥ - ٣٦

﴿Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни Маккани) тинч шаҳар қилгин, мени ва болаларимни бутларга бандалик қилишдан йироқ қилгин. Парвардигорим, у бутлар кўпдан-кўп одамларни йўлдан оздирдилар. Бас, ким менга эргашса. Ана ўша менадир. Ким менга исён қилса, яна Ўзинг мағфиратли, меҳрибонсан﴾ (Иброҳим 35-36).

Аллоҳ таолонинг халили ва ҳабиби Иброҳим عليه السلامдек зот Аллоҳ таолодан ўзи ва болаларининг бутларга ибодат қилишдан йироқ қилишини илтижо қилган бўлсалар, бошқалар албатта ширкдан паноҳ сўрашлари шартдир.

Иброҳим ат-Таймий роҳимахуллоҳ: "Иброҳим пайғамбардан кейин ким ҳам имтиҳондан муваффақиятли ўта оларди? –деган сўзи, аниқки ҳаёт жўш ўриб турган қалбда ширкдан кўрқиш ва Аллоҳ таолодан доимо ширкдан асрашини сўраб, ёлворишни ўйғотади.<sup>27</sup>

Ўзи билмаган ҳолда ширкка йўл қўймаслик учун ҳар бир мусулмон, ширкнинг ҳақиқати, сабаблари ва турларини пухта ўрганиши шарт. Бизга бу бобда улуғ саҳобий Ҳузайфа бин Ямон رضي الله عنه ўрнақдир. У улуғ саҳобий айтдилар: одамлар жаноб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلمдан яхшилик ҳақида сўрасалар, мен тағин тушиб қолмай деган ҳадикда, ёмонлик ҳақида сўрар эдим".<sup>28</sup>

Ҳақиқатда Ҳузайфа رضي الله عنهнинг бу саволлари жуда ўринлидир. Чунки кўпчилик мусулмонлар яхши амаллардан бохабар бўлсаларда, гоҳо ўзлари билмаган ҳолда ёмонлик гирдобига тушиб қолишади. Ачинарлиси эса кўпчилик мусулмонлар мункарлигини билмаганликлари сабабли кўз олдидарида содир этилаётган мункар ишлардан қайтармайдилар. Ана

---

<sup>27</sup> -Тафсир Ибн Жарир 8/288.

<sup>28</sup> -Бухорий 3606, Муслим 1847.

шундай ҳолатни кўрганимизда Умар رضي الله عنهнинг "Исломда жоҳилиятни кўрмаганлар яъни жоҳилият ишларини билмаганлар вояга етгач, Ислом тугунлари бирин-кетин сўкилиб боради"- деган сўзи нақадар ҳақлигини англаймиз.<sup>29</sup>

Ширк турларидан сақланиш, тавҳидни ёлғиз Аллоҳ таолога холис қилмоқлик шубҳасиз ҳар бандани Парвардигорга яқинлаштиргувчи, ҳаж ва бошқа барча тоат-ибодатларнинг мақбул бўлиши учун шарт бўлган диннинг асли-асосидир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло ҳаж сурасида қуйидагича хабар беради:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾  
 لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَيْمَاتِهِ  
 الْأَنْعَامَ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعَمُوا الْأَبْيَاسَ الْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾ ثُمَّ لِيَقْضُوا تَفَثَهُمْ وَلِيُوفُوا نُذُورَهُمْ  
 وَلِيَطَّوَفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ ﴿٢٩﴾ ذَلِكَ وَمَنْ يُعْظَمِ حُرْمَتِ اللَّهِ فَهُوَ خَيْرٌ لَهُ عِنْدَ رَبِّهِ  
 وَأُحِلَّتْ لَكُمْ الْأَنْعَامُ إِلَّا مَا يُتْلَىٰ عَلَيْكُمْ فَاجْتَنِبُوا الرِّجْسَ مِنَ الْأَوْثَانِ  
 وَاجْتَنِبُوا قَوْلَ الزُّورِ ﴿٣٠﴾ حُنَفَاءَ لِلَّهِ غَيْرَ مُشْرِكِينَ بِهِ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنْ  
 السَّمَاءِ فَتَخَطَفَهُ الطَّيْرُ أَوْ تَهْوَىٰ بِهِ الرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ ﴿٣١﴾﴾ الحج: ٢٧ - ٣١

<sup>29</sup> -Фавоид 201-саҳифа.

«Ва одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга(яъни сенинг даъватингга жавобан) яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (яъни Қурбон ҳайити кунларида Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган ҳайвонларни (қурбонлик қилиш учун сўйиш) устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун (келурлар). Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар. Сўнгера (Қурбонлик қилганларидан кейин) улар кирларини кеткизсинлар (яъни эҳромдан чиқиб, сочларини олдириб, тоза либосларини кийсинлар), назрларини (яъни, зиммаларидаги ҳаж мажбуриятларини) тўла адо қилсинлар ва "Эски Уй" ни тавоф қилсинлар! (Иш) шудир. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларни ҳурмат (риоя) қилса, бас, бу Парвардигори наздида ўзи учун яхшидир. Сизлар учун (ҳаром эканлиги) тиловат қилинадиган нарсалардан бошқа (барча) чорва моллари ҳалол қилинади. Бас, сизлар Аллоҳ учун Ҳақ Йўлдан оғмаган (мусулмон) бўлган ҳолларингизда ва У зотга ширк келтиргувчи бўлмаган ҳолингизда бутлардан иборат најосатдан йироқ бўлингиз ва ёлғон сўздан йироқ бўлингиз! Ким Аллоҳга ширк келтирса, бас, у гўё осмондан қулагану уни (бирон ваҳший) қуш (ўлжа қилиб) олиб кетган ёки (қаттиқ) шамол йироқ жойларга учуриб кетган (кимса) кабидир). (Ҳаж 27-31).

Мазкур ҳаж оятларида Аллоҳ таоло бандаларини ширқдан қаттиқ огоҳлантириб, ширқдан йироқ бўлишларига чақирмоқда. Ширкнинг аянчли оқибатини

баён этиш жараёнида ширк келтирган кимсалар гўёки осмондан қулагану, уни бир ваҳший қуш ўлжа қилиб олиб кетгани ёки уни қаттиқ шамол йироқ жойларга улоқтириб ташлаган кимсага ўхшатмоқда. Бундан олдинги оятда Аллоҳ таоло халили Иброҳим عليه السلامга Байтуллоҳнинг ўрнини белгилаб бериб, бориб Байтуллоҳни бут ва санамлардан поклагин деб буюргани, ширкдан қайтаргани Қуръонда қуйидагича келтирилди:

﴿وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَانَ الْبَيْتِ أَنْ لَا تُشْرِكْ بِي شَيْئًا وَطَهَّرَ بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ

وَالْقَائِمِينَ وَالرُّكَّعَ السُّجُودَ ﴿٢٦﴾ الحج: ٢٦

﴿(Эй Муҳаммад), эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини белгилаб бериб, (унга шундай деган эдик): "Сен Менга бирон нарса ни шерик қилмагин ва Менинг Байтим – Уйимни тавоф қилгувчилар, қиём, рукуъ, сажда қилгувчилар учун пок тутгин!﴾ (Ҳаж 26).

Аллоҳ таоло Ҳажга тааллуқли оятларда ширк ва ширкнинг ёмон оқибатини баён қилиб, ибодатда У зотга бирон нарса ёки кимсани шерик қилган кишининг оқибати нақадар ёмон эканини бот-бот такрорлайди.

Аллоҳ таоло барчамизни ширкдан сақласин, сўзимиз ва амалларимизда холисликни насиб этсин!

## **Бешинчи сабоқ: Талбиядан олинадиган айрим**

### **фойдалар**

Талбиянинг – юксак маъно, етук мақсад ва катта фойдаларга бойлигида шубҳа йўқ. Уламоларимизнинг талбия калимасида мажассам эътиқодий фойдаманфаатлар ҳақида китоблар ёзишлари сўзимиз далилидир. Жумладан аллома Шайх Муҳаммад бин Абу Бакр Димишқий "Таҳзиб ас-сунан" номли китобида бу маънони ниҳоят даражада етарли баён қилиб: "Дарҳақиқат, талбия калимаси катта қоида ва юксак фойдаларни ўз ичига олгандир, деб талбиядаги фойдаларни бирин-кетин зикр қилганлар.

Биз бу ўринда Шайх Муҳаммад бин Абу Бакр Димишқий роҳимаҳуллоҳ зикр қилган фойдалардан айримларини келтириш билан кифояланамиз.

**Талбия фойдаларидан бири-дейди аллома: "Лаббайка" яъни, "эй Парвардигоро, Сенинг ҳузурингга келдим, ҳизматинга шайман",**- дейишингизни ўзи, сизни чақирган зот Аллоҳ таоло, сиз эса У зот таклифига жавобан (ҳажга) ташриф буюрган бандаси эканини англатувчи чуқур маънони ўз ичига олгандир. Сўзлаш ва чақиришга қодир бўлмаган зотга жавоб бериш луғатда ҳам, ақлда ҳам ножоиздир. Лаббайка лафзи Аллоҳ таолога сўзлаш-калом сифатини исбот қилади.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбияда банданинг Аллоҳ таолога бўлган муҳаббати ўз аксини топади. Зеро, инсон суймаганига "лаббай" –деб, жавоб бермайди. Негаки "Лаббай" маъноларидан бири: мен сизга, ўзингиз яхши кўрган нарса билан юзланмоқдаман –деганидир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбия калимаси банданинг Аллоҳ таолога бўлган бандачилигида бардавом бўлишини ўз ичига олади.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбия калимасида Аллоҳ таолога бўйинсиниш, фақат Унгагина хорликни изҳор этиш маъноси мужассамдир. Зотан бу **لبي** феълининг маъноларидан биридир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** **لبي** феълининг маъноларидан яна бири: ихлос эканини яхши англамоқликдир. Талбиянинг ихлос ва тавҳид калимаси, деб аталишини боиси шудир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбияда Аллоҳ таолога эшитиш сифатини исбот қилиш бордир. Чунки эшитмайдиган зотга "лаббай", деб жавоб бериш ақлдан эмас.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** **ألبّ** – феълининг бир маъноси; "яқинлашмоқликдир". Демак талбия айтаётган киши, талбияси билан Парвардигорга яқин бўлади.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбия калимаси ҳаж ва умрада бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир ибодатдан иккинчи ибодатга кўчишдаги шиордир. Бу эса худди



намозда бир рукндан иккинчи рукнга кўчишда айтиладиган "такбир" мисолидир. Бинобарин талбия калимаси ҳаж учун эҳром кийгандан бошлаб, то Арафотга етгунгача айтилади. Арафотдан Муздалифага ҳаракат қилиш билан яна талбия айтиш бошланади. Муздалифага етгач тўхтатилган талбия, Муздалифадан юриш билан бошланиб, то жамаратул-ақабани отгунга қадар айтилади.

Шунинг учун талбия ҳаж асносида бир амалдан иккинчи амалга кўчишдаги шиор ҳисобланади. Намозхон намозни такбир билан бошлаб, рукуъ ва саждага боришда такбир айтиш билан кўчгани ва ниҳоят намозни салом бериш билан тугатгани каби, ҳожи ҳам ҳаж амалларини талбия билан бошлаб, талбия билан якунлайди.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбия Аллоҳ таолога яқинлаштирувчи амалларнинг Аллоҳга энг суюқлиси ва Фотиҳатул-китоб ўз ичига олган "Аллоҳга ҳамду-санолар" ни ўз ичига олган амалдир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбияда Аллоҳ таолонинг жамики неъматларини эътироф этиш ўз аксини топгандир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбия калимасида бор мулк ёлғиз Аллоҳга оидлигини тан олиш бордир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбияда мулк, неъмат ва ҳамду саноларнинг барчаси фақат Аллоҳ таолога хослиги бир ўринда ифода этилади. Қудрат мазмунидаги мулк, эҳсон ва мурувват мазмунидаги неъмат ҳамда Аллоҳ муҳаббатига чорловчи етук камолот

мазмунидаги –мақтов нинг бир ўринда жамланишидаги сир: ҳар банда мазкур нарсаларни яхшилаб ёд олиб, Аллоҳга бутун борлиғи билан юзланиши шартлигини эслатишдир. Зотан бандалиқдан бўлган мақсад ҳам шудир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбияда Пайғамбар ﷺ:

"أفضل ما قلت أنا والنبيون من قبلي لا إله إلا الله وحده لا شريك له له الملك و  
له الحمد وهو على كل شيء قدير"

**"Мен ва мандан илгариги пайғамбарлар айтган энг яхши сўз: "Ла илаҳа иллоллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул-мулк ва лаҳул-ҳамд ва ҳува аъла кулли шайъин қодийр",**-деб марҳамат қилган айни дуо маъносининг мужассамлигидир.

Талбия калимаси, Аллоҳ таолонинг сифати ва тавҳидини бекор дегувчилар сўзини рад этиб, мушриклар ё мушриклардан таъсирланган ҳолда Аллоҳ таолонинг сифатларини тарк қилган (муъаттила тоифадаги) лар сўзини ботил қилади. Айни пайтда бу умматнинг мажусийлари деб аталган "Қадария" тоифасининг фаришталар, жин ва инслар қилмишлари Аллоҳнинг мулки ва қудратидан ташқари, деган асоссиз назарияларни пучга чиқаради.

Талбиянинг маъносини англаб, унга чин дилдан ишонган кишининг шак-шубҳаларга чалғимасдан,

муъаттила тоифаларидан ажралиб туришининг боиси ҳам шундандир.

**Талбия фойдаларидан яна бири:** талбиядаги "**Ла шарика лак**" калимасининг "**Лаббайка**" калимаси изидан келишидаги ҳикматга ишора бор. У ҳикмат шундан иборатки; банда айтган талбиясига жавобан Аллоҳдан "лаббай" –деган жавоб олгандан кейин: "**Ла шарика лак**", яъни "**эй Аллоҳ, Сен учун бирон шерик йўқ**", –демоқда. Бундан кейин "**иннал-ҳамда ван-неъмата лака вал-мулк**" калималарининг такрорланиши, Аллоҳ таолога ҳамдусано, неъматлари ва мулкида бирон шерик йўқдир,-деган маънони мужассам этади. Аввалгисининг маъноси; дуоларни ижобат қилишда Аллоҳ таолога бирон шерик йўқ,-деганидир. Бу эса Аллоҳ таолонинг ушбу сўзига ўхшайди:

﴿ شَهِدَ اللَّهُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ وَالْمَلَائِكَةُ وَأُولُو الْعِلْمِ قَائِمًا بِالْقِسْطِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ

الْحَكِيمُ ﴿١٨﴾ آل عمران: ١٨

﴿Аллоҳ, фаришталар ва илм аҳллари – адолат билан ҳукм қилгувчи ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи борлигига гувоҳлик бердилар. Ҳеч қандай тангри йўқ, фақат Унинг Ўзи бор. У қудратли, ҳикмат эгасидир﴾. (Оли Имрон 18).

Ушбу оятнинг аввалида Аллоҳ таоло Ўзидан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик берди. Кейин бунга фаришталар ва илм

аҳллари гувоҳлик бердилар. Асл масала ҳам шу эди. Буни тан олдиргандан кейин Аллоҳ таоло Ўзининг одиллик билан ҳукм қилишини хабар бериб, шаҳодат калимасини яна бир бор такрорлади.

Талбия калимасида мужассам маъноларни пухта ўрганиш мақсадида, маъноларидан айримларини жамлашга ҳаракат қилдик. Шубҳасиз, тавҳидга аҳамият бериш ибодатларимизни тўла-тўқис, чиройли адо қилишимизда кўмак беради.

## **Олтинчи сабоқ: Байтуллоҳни тавоф қилишдаги сабоқлар**

Муқаддас Байтуллоҳ остонасига оёғи етиб, улуғ ҳаж амалларини адо қилишга киришган ҳожи оладиган энг катта сабоқлардан бири; Байтуллоҳ тавофидир.

Умрида Байтуллоҳга илк қадам ранжида қилаётган ҳожининг кўзи ибодатларини Аллоҳ таолога итоат этиб, у зот фармонига бўйсинган ҳолда бажараётган минглаб-минглаб мусулмонларга тушади. Бу кўриниш ҳар бир мусулмонда: ҳаж беҳад улуғ ибодат экан, деган катта таассурот қолдиради. Хусусан атрофида бир хил эҳром кийиб, такбир, таҳлил ва тасбеҳлар айтиб Байтуллоҳни тавоф қилаётган мусулмонларнинг бу нуроний кўринишлари мўмин қалбини ларзага келтиришида шубҳа йўқ. Ҳожилар Байтуллоҳни чап елкаси тамонида қилишиб, бор истагу тилагини ёлғиз Аллоҳдан тилашиб етти марта тавоф қилаётирлар.

Дарвоқе, тавофни Аллоҳ таолога итоат ва Росулulloҳ ﷺ суннатларига эргашган ҳолда адо этиш шарт. Чунки ажру-савоблар ҳажда ҳам, ундан бошқа ибодатларда ҳам Росулulloҳ ﷺ суннатига эргашишга қараб бўлади.

Кези келганда Байтуллоҳга қадами етган ҳожи нима қилиши кераклигини баён қилувчи саҳиҳ ҳадислардан баъзиларини зикр қиламиз. Ойша онамиз айтадилар:

"إن أول شيء بدأ به حين قدم النبي ﷺ أنه توطأ ثم طاف"

**"Пайғамбар ﷺ (Маккага) етгач дастлаб бажарадиган амаллари; таҳорат олганлардилар. Сўнг тавоф қилар эдилар"<sup>30</sup>.**

Жобир бин Абдуллоҳ ﷺ ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺнинг ҳажларининг васфида шундай деганлар:

...حتى إذا أتينا البيت استلم الركن فرمل ثلاثة و مشي أربعاً.

**"... Биз Росулulloҳ билан бирга Байтуллоҳга кирдик. Жаноб Росулulloҳ рукни силаганларидан сўнг уч марта паҳлавон юриш қилиб, тўрт марта (оддий) юриб (тавоф қилдилар)."<sup>31</sup>**

عن عبد الله بن عمر: " ان رسول الله صلى الله عليه وسلم كان إذا طاف في الحج أو العمرة أول ما يقدم سعي ثلاثة أطواف و مشي أربعة ثم سجد سجدتين ثم يطوف بين الصفا و المروة"

Ибн Умар ﷺ ривоятида: **Пайғамбар ﷺ ҳаж ва умрада тавоф қилсалар, уч марта паҳлавон юришда, тўрт марта (оддий) юрардилар. Сўнгга икки ракаат намоз**

---

<sup>30</sup> -Бухорий 1641, Муслим 1235.

<sup>31</sup> -Муслим 2/893.

## Ўқигандан кейин Сафо ва Марво оралиғида саъй қилардилар.<sup>32</sup>

Байтуллоҳ тавофи ҳақида келган мазкур далилларда, тавоф Аллоҳ таолога суюкли ҳамда ҳажнинг бир рукни ҳисобланган амал экани баён этилмоқда. Ҳаж сурасида Аллоҳ таоло ҳаж ва умрага келган бандаларини Байтуллоҳни тавоф қилишларига буюрди:

﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾  
لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا مِن مَّا رَزَقْنَاهُمْ مِنْ بِهِيمَةٍ  
وَأَنْعَمَ فَاكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعَمُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾ ثُمَّ لِيَقْضُوا تَفَثَهُمْ وَلِيُوفُوا نُدُورَهُمْ  
وَلِيَطَّوَّفُوا بِالْبَيْتِ الْعَتِيقِ ﴿٢٩﴾﴾ الحج: ٢٧ - ٢٩

﴿Ва одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чақиргин, улар сенга яёв ҳолларида ва йироқ йўллардан келадиган ориқ-ҳолдан тойган туялар устида келурлар. Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлиш учун ва маълум кунларда (Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган ҳайвонларни (қурбонлик қилиш учун сўйиш) устида Аллоҳ номини зикр қилиш учун (келурлар). Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверинглар, бечора камбағалларга ҳам едиринглар. Сўнгра улар кирларини кеткизсинлар, назрларини тўла адо қилсинлар ва "Эски Уй" ни тавоф қилсинлар!﴾

<sup>32</sup> -Бухорий 1616, Муслим 1261.

Аллоҳ таоло халили Иброҳим ва у кишининг ўгли Исмоил ﷺ га Байтуллоҳни поклаб, пойдеворини қуриб, уни зиёрат қилувчилар ва ўша ерда рукуъ ва сажда ҳолларида турувчилар учун тайёрлашга буюрди:

﴿ وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ وَأَمْنًا وَاتَّخِذُوا مِن مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلًّى وَعَهِدْنَا إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ

﴿ أَن طَهِّرَا بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ وَالْعَاكِفِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿١٢٥﴾ البقرة: ١٢٥

﴿Эсланг: Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ва Иброҳимнинг (Каъбатуллоҳни бино қилаётган вақтида) турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг, (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: "Менинг Байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, рукуъ – сужуд эгалари учун пок тутинг", деб буюрдик﴾. (Бақара 125). Мазкур буйруқ Ҳаж сурасида бундоқ келган:

﴿ وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَانَ الْبَيْتِ أَن لَّا تُشْرِكْ بِي شَيْئًا وَطَهِّرْ بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ

﴿ وَالْقَائِمِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿٢٦﴾ الحج: ٢٦

﴿(Эй Муҳаммад), эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳнинг ўрнини белгилаб бериб: "Сен Менга бирон нарсани шерик қилмагин ва Менинг Байтим - Уйимни тавоф қилувчилар, қиём, рукуъ, сажда қилгувчилар учун пок тутгин!﴾. (Ҳаж 26).

Демак, Байтуллоҳ тавофи ҳаж ва умра рукнларидан бири экан. Шу боис, кимда-ким ҳаж ва умрада Байтуллоҳни



тавоф қилмаса, бу икки амални тўқис адо этган ҳисобланмайди.

Мазкур далиллардан ҳар бир мусулмонга тавофнинг ибодат экани маълум бўлади. Айни пайтда тавоф фақат Байтуллоҳ атрофида қилиниши шарт, бошқа жойдаларда қилинган тавофлар шариат ҳукмидан ташқари экани борасида катта сабоқ олади. **"Байтуллоҳ"** – **"Каъба"**дан бошқа жойларда қилинган тавофларнинг ҳаммаси ботилдир, деб аҳли сунна уламоларимиз иттифоқ қилганлар. Шу боис, гумбаз, бузруклар қабри ёки тошу дарахтлар атрофида айланиш-тавоф қилиш шаръан ножоиздир. Сўзимизга далил улароқ имом Нававийнинг **"المجموع"** китобидаги ушбу сатларни келтирамиз:

"Пайғамбар ﷺ қабрларини тавоф қилиш ножоиздир... ҳаргиз авомлар томонидан динга киритилган бидъатлар билан алданманг! Зотан эргашиш ва амал қилиш фақат саҳиҳ ҳадислар ва пешқадам уламолар сўзига биноан амалга ошади. Ҳеч вақт ибодат бобида авомлар тўқималари ва жаҳолатларига эътибор қилинмайди. Ойша онамиз ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ шундай марҳамат қилганлар:

من أحدث في أمرنا هذا ما ليس منه فهو رد"

**"Кимда ким бу ишимизда (яъни, дин) ундан бўлмаган бирон янгиликни киргизса, бас, у иши унинг ўзига қайтарилур".<sup>33</sup>**

Имом Муслим ривоятида эса:

من عمل عملا ليس عليه أمرنا فهو رد

**"Кимда ким бизнинг кўрсатмамиз бўлмаган амални қилса, бас, у (ўзига) мардуддир"- деганлар.<sup>34</sup>**

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"لا تجعلوا قبيري عيدا و صلوا علي فإن صلاتكم تبليغي  
حيثما كنتم"

**"Қабримни зиёратгоҳ қилиб олмангиз! Менга саловатлар айтингиз! Зеро сизлар қаерда бўлишларингиздан қатий назар айтган саловатларингиз менга етиб турур" –деганлар.<sup>35</sup>**

Машҳур обидлардан бири Фузайл бин Иёз роҳимаҳуллоҳ бидъатларга эргашмасдан тўғри йўлни маҳкам тутиш борасида шундай деган эканлар: "сиз гарчи

---

<sup>33</sup> -Бухорий 2697, Муслим 1718.

<sup>34</sup> -Муслим 1718.

<sup>35</sup> -Сунан Абу Довуд 2043.

йўловчилари оз бўлсада, тўғри йўлга эргашинг! Ҳалокатга учровчилари кўп бўлган залолат йўлидан эҳтиёт бўлинг!"

Қора тошни ўпишда бирон бир барака бўлса керак, деб ўйлаган киши ғофил ва жоҳилдир. Чунки бор барака шариатга эргашишдадир. Зотан тўғри йўлни тутмасдан туриб афзаллик исталмайди".<sup>36</sup>

Шайхулислом айтдилар: Уламолар фақат Байтуллоҳни тавоф қилиш шариатга мувофиқдир –деб иттифоқ қилганлар. Шундай экан, Байтул-мақдисдаги харсанг тош ёки Пайғамбар ﷺ хужралари ё Арафот тоғидаги гумбаз ва шунга ўхшаш нарсаларни тавоф қилиш-айланиш ножоиздир.<sup>37</sup>

Шайхулислом роҳимаҳуллоҳ яна бир китобида: "Ер юзида Каъбага ўхшаш тавоф қилинадиган жой йўқдир. Бинобарин Каъбадан бошқа жойни тавоф қилса ҳам бўлади, деб эътиқод қилган кишининг эътиқоди худди Каъбадан бошқа жойга қараб намоз ўқиса ҳам бўлаверади, деган кишининг эътиқодига ўхшайди, балки ундан-да баттар ва ботилроқдир. Чунки жаноб Росулulloҳ ﷺ Маккадан Мадинага ҳижрат қилганларидан сўнг, ўн саккиз ой мобайнида мусулмонлар билан биргаликда Байтул-мақдисга юзланиб намоз ўқиганлар. Қибланинг ўзгарганлиги ҳақидаги Қуръон оятлари нозил бўлгач,

---

<sup>36</sup> -ал-мажмуъ шарҳ ал-муҳаззаб 8/207-208.

<sup>37</sup> -Фатаво 4/522.

Иброҳим ва бошқа пайғамбарлар қибласи бўлган Каъбатуллоҳга юзландилар. Шунинг учун ҳозирги кунда Байтул-мақдисга қараб намоз ўқиган киши кофир саналади. Тавба қилса қилди, бўлмаса (муртадлиги сабаб) боши танасидан жудо қилинади. Бу ҳукм илгари қибла бўлиб, кейин насх қилинган-ўзгартирилган Байтул-мақдис ҳақида бўлса, энди бирон жойни Байтуллоҳга ўхшатиб-тенглаштириб тавоф қиладиган кишининг ҳукми нима бўлиши мумкин?! Ваҳоланки, Аллоҳ таоло азалда ҳам, охирда ҳам Каъбадан бошқа жойни тавоф қилишга буюрмагандир".<sup>38</sup>

Икки буюк аллома баҳсида "**Байтуллоҳ**"дан бошқа жойларни ёки нарсаларни тавоф қилиш катта фасод ва ўта хатарли амал экани кўриб турганимиздек очиқ-ойдин маълум бўлди. Бинобарин Байтуллоҳдан бошқа бирон бир қабр ёки гумбазлар атрофида тавоф қиладиган кишиларни шайтон измига тушган жоҳиллардир, десак хато бўлмайди. Чунки на Қуръон-каримда ва на саҳиҳ суннатда Байтуллоҳдан бошқа фалончининг қабри, ё фалон нарсани тавоф қилса жоиз, деган бирон далил келмаган.

---

<sup>38</sup> -Фатаво 27/10-11.

## ***Еттинчи дарс: Ҳажар ал-асвадни ўпиш ва Рукни ямонийни силашдаги сабоқлар***

Биз ўтган дарсда Байтуллоҳни тавоф қилиш ва унинг ҳаж ва умра рукнларидан бири экани билан танишган эдик.

Бу дарсимизда Байтуллоҳга қадам ранжида этган ҳожи эришадиган фойдалардан бири: Қора тошни ўпиш ва рукни Ямонийни сийпалаш билан танишамиз.

Бу амални ҳам бошқа тоат-ибодатлар каби Аллоҳ таолога итоат этган, Росулulloҳга эргашган ҳолда бажариш шариат муддаосидир. Абдуллоҳ ибн Умар رضي الله عنه:

"رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم: حين يقدم مكة إذا استلم الركن الأسود أول ما يطوف يخب ثلاثة أطواف من السبع".

***"Мен Росулulloҳ ﷺ Маккага келган вақтида, аввало Қора Тошни ўпиб, сўнг етти тавофнинг учтасида паҳлавон юриш билан юрганлигини кўрганман"- деганлар.***<sup>39</sup>

Жобир бин Абдуллоҳ رضي الله عنه айтадилар: ***"Пайғамбар ﷺ Маккага етиб келгач, Масжид-ал-Ҳаромга кириб Қора Тошни ўпдилар. Сўнг Қора Тошни чап тамонида***

---

<sup>39</sup> -Бухорий 1603, Муслим 1261.

**қилиб, уч марта паҳлавон юришда юриб, тўрт марта (оддий) юриб** (тавоф қилдилар).<sup>40</sup>

Демак мусулмонларнинг Қора Тошни ўпишларидан мақсад; Росулulloҳ ﷺ суннатларига эргашиш экан. Зотан Қора Тош на фойда беришга ва на зарарни даф қилишга қодирдир. Буни хўп билган амирул-мўминин Умар رضي الله عنه Қора Тошни ўпаётиб:

"إني أعلم إنك حجر لا تنفع ولا تضر ولولا أني رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقبلك ما قبلتك",

**"Сен на фойда ва на зарар етказа олмайдиган бир тош эканингни биламан. Агар сени Набий ﷺ ўпганликларини кўрмаганимда, ўпмаган бўлардим",** – деганлар.<sup>41</sup>

Ибн Жарир ат-Тобарий роҳимахуллоҳ айтдилар: Умар رضي الله عنهнинг Қора Тош ҳақида бундай дейишларига сабаб; жоҳилиятдан эндигина чиққан айрим жоҳил кишилар Қора Тошни ўпишдан мақсад: ушбу тошнинг муқаддаслиги учун бўлса керак, деган ўйга боришлари хавфидан эди. Қолаверса, Умар رضي الله عنه Қора Тошни ўпишдан мақсад, мушриклар бутларидан сўрагани каби ундан бирон фойда етиши ёки унга сиғиниш учун эмас, балки уни Росулulloҳ

---

<sup>40</sup> -Муслим 2/893.

<sup>41</sup> -Бухорий 1597, Муслим 1270.

ﷺ ўпганликлари учун ўпаётганликларини яна бир бор таъкидлаганлар.<sup>42</sup>

Ҳажар ал-Асвад, яъни Қора Тошни ўпиш ёки силаш ё унга қараб ишора қилиш шаръий суннатлардан биридир. Ибн Умар رضي الله عنه:

"لم أرسول الله صلى الله عليه وسلم يستلم من البيت الا الركنين  
اليمانين".

**"Мен Росулulloҳ ﷺнинг Байтуллоҳдан фақат икки рукни Ямонийни сийпалаганларини кўрганман"-**деганлар.<sup>43</sup>

Абдуллоҳ бин Умар رضي الله عنه:

"ما تركت استلام هذين الركنين في شدة ولا رخاء منذ رأيت  
رسول الله صلى الله عليه وسلم يستلمهما".

**"Росуллоҳ ﷺнинг икки рукни сийпалаганларини кўрганымдан буён, мен ҳам қийинчилигу енгилчиликда мана шу икки рукни (яъни икки рукни Ямонийни) сийпалашни ташламадим"-**деганлар.<sup>44</sup>

---

<sup>42</sup> -Фатҳул-Борий 3/463.

<sup>43</sup> -Бухорий 1609, Муслим 1269.

<sup>44</sup> -Бухорий 1606.

Мазкур Ибн Умар رضي الله عنه ривояти Каъбатуллоҳнинг фақат икки рукнини қўл билан силаш суннат, қолган рукнларни ўпиш ёки сийпалаш суннат эмаслигига далилдир.

Шайхулислом роҳимаҳуллоҳ бу ҳақда шундай деганлар: Каъба рукнларидан фақат икки Яман тамондагиларини силаш Росулulloҳ ﷺ суннатиدير. Ушбу икки рукни силаш суннатлигининг боиси: у иккаласининг Иброҳим عليه السلام асосларига барпо бўлганидир. Икки Шомий рукн Каъбанинг ичида жойлашганлиги учун, уни ўпиш ёки сийпалаш жоиз эмас.

Шундан келиб чиқиб уламоларимиз; Байтуллоҳнинг икки Ямоний рукнидан бошқа жойларини, Иброҳим عليه السلام мақомини ва бошқа пайғамбар ва солиҳ зотлар қабрларини ҳатто Росулulloҳ ﷺ хужраларини ҳамда у зот намоз ўқиган маконларни ўпиш ножоиздир, деб иттифоқ қилганлар.

***Байтуллоҳни тавоф қилаётган ҳожи оладиган сабоқлардан яна бири:*** Байтуллоҳни тавоф қилаётган мусулмон, бу аснода Қоратошни ўпиш ёки силашни Аллоҳга итоат этган, Росулulloҳ ﷺ суннатларига эргашган ҳолда адо этилиши суннатлиги ҳамда Қоратош фойда ёки зарар беришга қодир бўлмаган бир тош бўлиб, уни ўпиш ёки силаш Росулulloҳ ﷺ суннатилиги учун бажарилади, деган ақидани фаҳмлайди.

Хулласкалом, Байтуллоҳнинг икки Ямоний рукнидан бошқа жойларини ўпиш ёки силаш суннатга хилоф. Бинобарин ҳурмати Каъбадан қуйи турадиган масжид ва



мақомлар ёки пайғамбарлар қабрини ўпиш ёки силаш ножоизлиги табиий ҳолдир. Ибодат юзасидан бутун ер юзида фақат Қора Тош ўпилади, холос.

Баъзан айрим жоҳилларнинг қабрлар олдида дод-вой солиб ёлвораётганлари ёки қабрларни табаррук қилиб ўпаётганларининг шоҳиди бўламиз. Шубҳасиз, бу каби амаллар Ислом ақидасига ётдир. Диний ақидадан жоҳил кишиларнинг қабрлардан мадад сўрашлари, ажабланарли ҳолатдир. *-айниқса, бу каби ширкий ҳолатлар дунёвий соҳада етук билимни забт этган кишилардан содир этилаётганини кўриб ҳайратдан ёқа тутасан, киши-* Бу эса очиқ-ойдин залолат ва Ислом шаънига бўҳтондир. Шайхулислом роҳимаҳуллоҳ бу ҳақда бундай деганлар: "Қабрлар, кимники бўлишидан қатий назар, уни ўпиш, қўл билан силаш ёки унга юзларни ишқалаш мусулмонлар иттифоқи билан ман қилингандир. Борди-ю ўша қабрлар пайғамбарлар қабри бўлса ҳам. Чунки салафи солиҳларимиздан ҳеч бири бу амални қилмаган, аксинча улар бундай амални ширк, деб билганлар".<sup>45</sup>

---

<sup>45</sup> -Фатаво 26/121.

## **Саккизинчи сабоқ: Росулulloҳ ﷺ суннатлари ва йўлини маҳкам тутиш хусусида**

Ҳаждаги олий сабоқлардан яна бири: ҳожилар ҳаж ибодатида Росулulloҳ ﷺ суннатларини маҳкам тутиш нақадар муҳим эканини англаган ҳолда суннатларни пухта ўрганишга интилишларидир. Бу гапимизга далил; ҳожиларнинг тўп-тўп бўлиб илмий мажлисларда иштирок этишлари ва уламолардан ҳаж ибодатининг сифати, кайфияти, арконлари ҳамда ҳажни бузадиган амаллар ҳақида савол сўрашларидир. Хусусан жаноб Росулulloҳ ﷺ нинг:

"خذوا عني مناسككم فلعلي لا ألقاكم بعد عامي هذا". ۴۶,

**"Мендан ҳаж амалларингизни (ўрганиб) олингизлар!"**- деган сўзларини ҳис қилган ҳожи, ҳаждаги суннатларни ўрганишга жидду жаҳд билан киришади.

Зотан ҳаж ва барча ибодатларнинг мақбуллиги суннати Росулulloҳга ҳеч бир нуқсон ва қўшимчасиз эргашишга қараб баҳоланади. Ҳажда суннатга эргашган мусулмон, қолган ибодатларида ҳам суннатни маҳкам тутиши турган гап. Шунинг учун жаноб Росулulloҳ ﷺ намоз тўғрисида:

"صلوا كما رأيتموني أصلي"

---

<sup>46</sup> -Муслим 1297.

**"Намозни менинг қандай ўқиганимни кўрган бўлсангиз, худди шундай ўқингиз!"**, - деб марҳамат қилганлар.<sup>47</sup>

Умуман олганда барча тоат-ибодатда Росулulloҳ ﷺ суннатларига эргашиш зарурлигини таъкидлаб:

"من عمل عملا ليس عليه أمرنا فهو رد"

**"Кимда ким бизнинг фармонимиз бўлмаган амални қиладиган бўлса, у амали ўзига қайтарилур"**, - деганлар.<sup>48</sup>

Мазкур ҳадиснинг мантиқи, яъни ҳадиснинг лафзи Пайғамбар ﷺ суннати асосида бажарилмаган амал Аллоҳ таоло наздида мақбул эмаслиги ҳамда лафзийми ёки баданий бўлишидан қатий назар Қуръон ва суннатда асли бўлмаган ҳар қандай ибодат бидъат эканига далолат қилмоқда. Зотан, Аллоҳ ва Росулнинг изни бўлмаган ибодат номақбулдир.

Энди, мазкур ҳадиснинг "мафҳуми"- яъни тушунчасига ўтаммиз. Ҳадисни мафҳуми; барча амалларини, тоат-ибодатларини тўғри ақида асосида Аллоҳни амри ва Росулнинг кўрсатмасига биноан бажарганлардан қабул

---

<sup>47</sup> -Бухорий 631.

<sup>48</sup> -Муслим 1718.

этилади, деган маънони ифода этмоқда. Бу шаклда адо этилган тоат-ибодат шубҳасиз мақтовга сазовардир.

Имом Термизий ва Абу Довуд ривоятида Иърбоз бин Сория ﷺ айтдилар: **"Кунлардан бирида жаноб Росулulloҳ ﷺ намозда имомликка ўтганларидан сўнг, биз томонга юзланиб жуда таъсирли мавъиза қилдилар. Бу мавъизадан кўзлар селу себар ёш тўкиб, диллар ларзага келди. Шунда биз: эй Росулulloҳ! Бу мавъиза видолашув мавъизасига ўхшаяпти? Бизга васият қилинг! –дедик. У зоти шариф: мен сизларни Аллоҳдан қўрқишга ва бошлиқларинг бордию қул бўлсада, унга итоат қилишларингизга васият қиламан. Умри узоқларингиз яқинда кўп ихтилофларни кўради. Сизлар менинг ва мендан кейинги хулофо ур-рошидийнлар суннатини маҳкам тутинглар! Ва уни жағ тишларингиз билан тишланлар (яъни, қаттиқ ушлангизлар)! Бидъатлардан сақланинг! Чунки ҳар қандай бидъат залолатдир",**-дедилар.<sup>49</sup>

Бу ҳадисдаги; **"ҳар қандай бидъат залолатдир"**, – калимаси диннинг асли-асоси Қуръон ва суннатдир. Шу боис барча тоат-ибодатларда суннатни маҳкам тутингиз!-деган маънони ифодаламақда.

---

<sup>49</sup> - Абу Довуд 4607, Термизий 2676.

Бу ҳадис маъно жиҳатдан: **"Кимда ким бизнинг бу ишимиз, яъни динга бирон янгилик киритса, у ўзига қайтарилур"**, - ҳадисига ўхшаб кетади. Шунга кўра динда асли бўлмаган амални диндан, деб, уни динга нисбат бериш айна бидъат ҳисобланади. Бидъат аралашган амаллар эса Аллоҳ ҳузурида номақбулдир.

Ислом дини икки мустаҳкам асосга асослангандир. **Биринчиси:** барча тоат-ибодат ёлғиз ва бешерик бўлган Аллоҳга қилинади.

**Иккинчиси:** Тоат-ибодатлар пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ суннати ва йўлига эргашган ҳолда бажарилади. Ибодатни ҳаю- ҳавоимиз ва бидъатлар асосида бажарилмайди. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨﴾ إِنَّهُمْ لَن يُغْنُوا

عَنكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا ﴿الجنانية: ١٨ - ١٩﴾

**«Сўнгра, (эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шарият устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!».** (Жосия 18). Аллоҳ таола айтади:

﴿أَمْ لَهُمْ شُرَكَاءُ شَرَعُوا لَهُمْ مِنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنُ بِهِ اللَّهُ وَلَوْلَا كَلِمَةُ الْفَصْلِ لَفُضِّ

يَنَّهُمْ وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢١﴾ الشورى: ٢١﴾

**«Балки улар учун Аллоҳ буюрмаган нарсаларни - "дин"ни, шариат қилиб берган шериклари – бутлари бордир?! Агар (яхши ёмон амаллар қиёмат куннда) ажралиши хусусидаги Сўз бўлмаганида, албатта уларнинг ўрталарида (шу дунёдаёқ) ҳукм қилинган бўлур эди. Золим кимсалар учун, шак-шубҳасиз аламли азоб бордир».** (Шуро 21).

Демак, ибодатни динда асли бўлмаган бидъатларга асосланиб эмас, балки вожиб ва мустаҳаб барча амалларни Росулulloҳ ﷺ кўрсатган йўл орқали адо этмоқ лозим экан. Барча ибодатларнинг ёлғиз Аллоҳ таоло ризоси учун холис бажаралиши шарт. Намоз Аллоҳ ризоси учун ўқилади, рўза Аллоҳ ризоси учун тутилади, ҳаж Аллоҳ ризоси учун адо этилади. Фақат Аллоҳгагина таваккул қилиниб, барча тоат-ибодатлар фақат У зот учун адо этилади. Дарвоқе, юқорида биз амалларнинг Аллоҳ ҳузурида мақбул бўлиши икки асосга асосланади, деган эдик. Ана шу икки асос ҳақида Каҳф сурасида Аллоҳ таоло бундай хабар берди:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰ إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ اللَّهُ وَاحِدٌ فَنَكانَ يَرْجُوا لِقَاءَ رَبِّهِ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَالِحًا وَلَا

يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِ أَحَدًا ﴿١١٠﴾ الكهف: ١١٠

﴿Эй Муҳаммад, уларга) айтинг: "Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда

*бирон кимсани (Унга) шерик қилмасин! (Яъни қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин) ﴿(Каҳф 110).*

Яхши, солиҳ амални қандай тушунамиз?-деган ўринли савол туғилади..

**Жавоб:** Яхши, солиҳ амал шариат ҳукмига мувофиқ, Аллоҳ ризоси умид қилиниб бажариладиган амаллар, тоат-ибодатлардир. Шу боис, холис ва шариатга мувофиқ адо этилган амаллар Аллоҳ наздида мақбулдир.

Демак, бу дунё ва охираат саодатини истаган киши, ҳеч бир тараддудсиз суннати Росулulloҳни маҳкам ушлайди, бидъат амаллардан ўзини йироқ тутати.

Дарҳақиқат, биз мусулмонлар учун суюкли пайғамбаримиз Муҳаммад ﷺ да гўзал намуна бордир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا ﴿٢١﴾﴾

الأحزاب: ٢١

﴿(Эй мўминлар), сизлар учун – Аллоҳ ва охираат кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбарига гўзал намуна бордир﴾.(Аҳзоб 21).

Мазкур суранинг аввалида Аллоҳ таоло: ﴿Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақдорроқдир....﴾,-деган эди. Яъни Пайғамбар ﷺ мўминларга дину дунё ишларининг барчасида ўзларидан ҳам ҳақдорроқ эканлиги таъкидланмоқда. Демак, мўминларнинг олий вазифаси ва

бурчлари: Пайғамбар ﷺ учун бор бутларини сарфламоққа шай туришлари, у зотни ўз нафсларидан-да яхшироқ кўрмоқликлари ҳамда у зот ҳукмини бутун башарият ҳукмидан устун қўйиб, даъватларига **"лаббай"**, деб жавоб беришларидир.

Бу эса, шубҳасиз ҳар бир мусулмондан Пайғамбар ﷺ суннатларини билиш учун қимматли вақтини аямасликни, бу йўлда жиддий ҳаракат этишни талаб қилади. Бу мақсадга эришиш эса; билмаганини уламолардан сўраш ва диний китобларни мутоаъла қилиш орқали амалга ошади.



## **Тўққизинчи сабоқ: Арафот куни сабоқлари**

Улуғ айём Арафот куни – барча яхшиликлар, иймон ва тақво жам бўлган муборак, олий тоат-ибодат мавсумидир.

**Арафот куни;** дуолар само сари кўтариладиган, осмондан раҳмат энадиган ҳамда хато-гуноҳлар мағфират қилинадиган муборак кундир.

**Арафот куни;** фазилатлари санокдан ортиқ, Аллоҳ таолодан мағфират сўраладиган, хушуъ ва хузуъли улуғ айёмлардан биридир.

**Арафот куни;** Аллоҳ таоло динини комил, неъматини бенуқсон қилган муборак кундир.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾ المائدة: 3

*«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўққиз қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим.....» (Моида 3).*

Ториқ бин Шихоб роҳимахуллоҳ айтдилар: Яҳудийлар Умар ﷺ ҳузурига келиб: эй амирал мўминин, сизлар китобларингдаги бир оятни тиловат қиласизлар. Борди-ю ўша оят биз яҳудийларга нозил қилинганда борми, биз ўша (оят нозил бўлган) кунни байрам қилиб олган бўлардик!- дедилар. Шунда Умар ﷺ улардан: қайси оят экан у? –деб сўрадилар. Яҳудийлар: *«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўққиз қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим....»* оятидир дейишди. Шунда Умар ﷺ: албатта мен бу оятнинг

жаноб Росулulloҳ ﷺ га қачон ва қаерда нозил бўлганини ва бу оят нозил бўлган вақт Росулulloҳ қаерда эканилигидан бохабарман. У жума куни Арафот куни оқшомида нозил бўлган эди –дедилар.<sup>50</sup>

**Муборак Арафот куни;** дўзах оташидан озод бўладиганлар кўпайиб, Аллоҳ таоло мўмин бандаларига чексиз саховатлар айлайдиган кундир.

**Арафот куни;** Аллоҳ таоло фаришталарига ҳожи бандалари билан фахрланадиган кундир. Ойша онамиз ривоятида жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"ما من يوم أكثر من أن يعتق الله فيه عبدا من النار من يوم عرفة وإنه ليدنو ثم يباهي بهم الملائكة فيقول: ما أراد هؤلاء."

**"Арафот кунидан кўра Аллоҳ таоло бандаларини дўзахдан кўпроқ озод қиладиган кун бўлмаса керак. У кунда Аллоҳ таоло бандаларига яқинлашади ва улар билан фаришталарига фахрланиб: "Анавилар нима истамоқдалар?!", –дейди.<sup>51</sup>**

Ушбу ҳадис шарҳида Ибн Абдул барр роҳимаҳуллоҳ бундай деганлар: бу ҳадисда, улар (яъни Арафот майдонида турган ҳожиларнинг) гуноҳлари мағфират

---

<sup>50</sup> -Бухорий 4606, Муслим 3017.

<sup>51</sup> -Муслим 1348.

қилинганлигига далил бор. Чунки Аллоҳ таоло хатокор ва гуноҳкор бандаларининг хато ва гуноҳларини мағфират қилгандан кейингина, улар билан фахрланади.<sup>52</sup>

Имом Аҳмад муснадида Абдуллоҳ бин Аъмрдан ривоят қилган ҳадисда жаноб Росулulloҳ ﷺ шундай деганлар:

"إن الله تعالى يباهي ملائكته عشية عرفة بأهل عرفة  
يقول: انظروا الي عبادي اتوني شعئا غيرا

**"Аллоҳ таоло Арафот куни оқшомида Арафотда турган бандалари билан фаришталарига фахрланиб: "Менинг ҳузуримга сочлари тўзиб, чанг бўлган ҳолда ташриф буюрган бандаларимга қаранглар! –деб буюради.**

Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ ҳажда Арафотда турган ҳожиларнинг Арафот оқшомида ўксиб йиғлаётганларини кўриб, ёнидагиларга: анавилар, бирон кишидан бир дониқ (яъни бир тийин) сўрасалар, бермасдан қайтаради, деб ўйлайсизларми? –дедилар. Ёнидагилар: йўқ, албатта-деб жавоб беришди. Шунда Фузайл: Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло учун уларнинг гуноҳини мағрифат қилиши, бир кишининг уларга бир дониқ беришидан-да осондир, дедилар.<sup>53</sup>

---

<sup>52</sup> -Тамҳид 2/224.

<sup>53</sup> -Мажлис фи фазли арафа/Носириддин Димишқий 63-бет.

Шунга кўра, муборак Арафот кунини ғанимат билиб, Аллоҳ таолонинг мағфиратига эришишни истаган мусулмон, бу кунда Парвардигорига бош эгади. Хушуъ ва хузуъ ила У зот раҳмати ва мағфиратидан умидвор бўлган ва озобидан қўрққан ҳолда ўтган хато ва камчиликлари учун тавба-тазарруълар қилади. Дарвоқе, ҳожилар олди қочди гаплар билан вақтларини зоя қилмасдан, унинг ўрнига фурсатни бой бермасдан Парвардигорига юзланган ҳолда кўплаб дуо-ю истиғфорлар, тавба-тазарруълар қилмоқлари лозим. Жаноб Росул Акрам ﷺ:

"خير الدعاء دعاء يوم عرفة وخير ما قلت أنا والنبيون من قبلي لا إله إلا الله وحده لا شريك له له الملك وله الحمد وهو علي كل شيء قدير".

**"Дуолар (қабул қилинадиган кунларнинг) энг афзали Арафот куни дуосидир. Мен ва мендан илгариги пайғамбарлар айтган дуо: "Ла илаҳа иллоллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд ва ҳува аъла кулли шай-ин қодийр"**-дуосидир, деганлар.<sup>54</sup>

**Арафот куни** дуо ва зикрлар кунидир. Шунинг учун Росулulloҳ ﷺ кунларнинг энг афзали бўлмиш-Арафот кунда энг афзал дуо **"Ла илаҳа иллоллоҳ"**, - дуосини жуда кўп такрорлаганлар.

---

<sup>54</sup> -Термизий 3585.

Кунлар саййиди Арафот куни бўлганидек, дуо ва зикрлар саййиди ҳам **"Ла илаҳа иллоллоҳ"**, яъни **"Ҳеч қандай илоҳ йўқ фақат Аллоҳгина бордир"**, калимасидир. Саййидимиз Муҳаммад ﷺ нинг бундай муборак кунда, ушбу дуони танлашининг боиси ҳам шу вайдан бўлса керак, валлоҳу аълам. Зеро **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимаси мустаҳкам ҳалқа, тақво калимаси, саодат диёрининг калити, диннинг асли-асосидир. Еру Осмонлар мана шу **"Ла илаҳи иллоллоҳ"** калимаси сабабли турибди. Барча махлуқотлар ана шу калима сабабли яратилгандир. Ана шу калима сабабли пайғамбарлар юборилиб, китоблар нозил қилингандир.

Биз бу улуғ калима ҳақида қанча гапирмайлик **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** тавҳид калимасининг фазилати ва унинг диндаги ўрнини васф этишдан тилимиз ожиздир. Аммо ҳар бир мусулмоннинг билиши шарт бўлган ҳад; **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасининг ҳаққини адо этиб, унинг асос ва шартларини билиб, тушуниб олишидир. Чунки тавҳид калимаси бўлмиш **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасининг маъносини билмасдан, тушунмасдан тўти каби такрорлаш аксар пайтда фойдадан холи бўлишини ислом уламолари кўп ўринларда таъкидлаганлар. Аллоҳ таола айтади:

ولا يملكون الذين يدعون من دونه الشفاعة الا من شهد  
بالحق وهم يعلمون

﴿(Мушриклар Аллоҳни) қўйиб дуо-илтижо қилаётган бутлари шафоат қилишга эга бўла олмас, магар ўзлари билган ҳолларида Ҳақ гувоҳлик берган кишиларгина

(Аллоҳнинг изн-иродаси билан шафоат қилишга қодир бўлурлар) ﴿Зухруф 86﴾.

Бу оят мазмуни шудир: **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасини тили билан талаффуз қилиб, маъносини дилида тушуниб, ундан назарда тутилган нарсани англаган зотлар, бу муборак калиманинг шафоатига сазовар бўладилар.

Демак, ҳар бир киши бу калимани рўёбга чиқариш учун аввало ундаги "нафий" ва "исбот"ни билиб-тушуниб, унга эътиқод ва амал қилмоғи даркор. Чунки фақат тил учида **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасини айтиб, ботинида унга эътиқод қилмаганлар мунофиқлардир. Тилида ҳам, дилида ҳам эътиқод қилмаганлар кофирлардир.

Бу масалага мисол келтириш билан ойдинлик киритамиз: Ислом рукнларидан бирини инкор қилган ёки шариатда ҳаром қилинган нарсани ҳалол санаган киши, борди-ю у тили билан минг марта **"Ла илаҳа иллоллоҳ"**, деб такрорласада муртад ҳисобланади. Чунки унинг тили бошқа-ю дили бошқа бўлди. Ана шулар жумласига, ибодатларни Аллоҳдан бошқа нарсаларга буриш, У зотдан ўзгалардан ёрдам сўрашлар ҳам киради.

**"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасининг маъноси; барча ибодатларни холис, ёлғиз Аллоҳгагина бажо келтириб, У зотга бирон нарсани шерик қилмасдан, фақат У зотнинг Ўзигагина хору-зорликни изҳор этиш, рағбат, инобат, таваккул, дуо ва талабларни фақат У зотга қилиш шартдир.

Шу боис, **"Ла илаҳа иллоллоҳ"** калимасининг маъносини тушуниб айтган киши, ҳожатларини фақат Аллоҳдан сўрайди. Фақат Аллоҳдангина ёрдам тилайди. Фақат Аллоҳгагина таваккул қилиб, У зотдагина бор орзумидларини рўёбга чиқаришини ўтинади. Жонлиқларни ҳам фақат Аллоҳ номини айтиб сўяди.

Хуллас, барча тоат-ибодатларини ёлғиз Аллоҳ таолога бажо келтириб, Ундан ўзга "худо"лар ибодатини бутунлай инкор этади. Ёлғиз Аллоҳ таолога сиғинади.

## **Ўнинчи сабоқ: Қурбонлик сўйишда Аллоҳ таолога ихлоснинг фарзлиги**

Муборак зул-ҳижжа ойининг ўнинчи куни Аллоҳ таолонинг улуғ айёмларидан биридир. У кунда муслмонлар қурбонлик сўйиш билан Парвардигорларига тақарруб қиладилар. Шунга кўра, бу кун қурбонлик куни, дейилади.

Бу муборак кунда ҳожилар ҳадяларини, ҳажга қилмаётган ер куррасидаги қодир муслмонлар қурбонлик сўйиб Аллоҳга ибодат қиладилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلِكُلِّ أُمَّةٍ جَعَلْنَا مَنْسَكًا لِيَذْكُرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ الْأَنْعَامِ فَإِنَّهُمْ  
إِلَهُهُ وَجَدُّهُ أَسْلَمُوا وَبَشِّرِ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٤﴾ الَّذِينَ إِذَا ذَكَرَ اللَّهُ وَجِلَّت قُلُوبُهُمْ وَالصَّابِرِينَ عَلَىٰ مَا  
أَصَابَهُمْ وَالْمُقِيمِي الصَّلَاةِ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣٥﴾ وَالْبُدْنَ جَعَلْنَاهَا لَكُمْ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ  
لَكُمْ فِيهَا خَيْرٌ فَإِذَا ذُكِرُوا اسْمَ اللَّهِ عَلَيْهَا صَوَافٍ فَأِذَا وَجِبَتْ جُنُوبُهَا فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطِعُوا الْقَوَاعِدَ  
وَالْمَعْتَزَ كَذَلِكَ سَخَّرْنَاهَا لَكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٣٦﴾ لَنْ يَنَالَ اللَّهُ لُحُومَهَا وَلَا دِمَاؤُهَا وَلَكِنْ يَنَالُهُ  
الْتِقَاؤُ مِنْكُمْ كَذَلِكَ سَخَّرَهَا لَكُمْ لِتُكَبِّرُوا اللَّهَ عَلَىٰ مَا هَدَيْنَاكُمْ وَبَشِّرِ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٧﴾ ﴾

الحج: ٣٤ - ٣٧

﴿Биз барча миллатга (Аллоҳ) уларни ризқлантирган чорва ҳайвонларини (сўйиш – қурбон қилиш) устида Аллоҳнинг номини зикр қилишлари учун қурбонлик қилишни буюрганмиз. Бас, (барчаларингизнинг) илоҳингиз бир Илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз! Итоат



қилгевчи зотларга хушхабар беринг! Улар Аллоҳ зикр қилинганида диллари қўрқувга тушадиган, ўзларига етган балоларга сабр-тоқат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қиладиган зотлардир. (Байтуллоҳда қурбон қилинадиган) туя-молларни Биз сизлар учун Аллоҳ қонунларидан қилдик. Сизлар учун уларни (қурбон қилишда) яхшилик бордир. Бас, улар (сўйиш учун) тизиб қўйилган ҳолларида Аллоҳ номини зикр қилингиз. Энди қачон ёнбошлари билан тушганларида улардан еяверинглар, қаноатли кишига ва (муҳтож) тиланчига ҳам едиринглар. Шукр қилишларингиз учун Биз уларни сизларга бўйинсундирдик. Аллоҳга қилган қурбонликларингизнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар. Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани сабабли У зотни улуғлашларингиз учун (яъни қурбонликларингизни сўяётган пайтингизда Аллоҳнинг исмини зикр қилишингиз учун) уларни сизларга бўйинсундириб қўйди. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг! ﴿(Ҳаж 34-37).

Қурбонлик сўйишдан мақсад: қурбонлик устида Аллоҳ таолони зикр қилишдир. Шунинг учун қурбонлик сўйиш шарият амалидан ҳисобланади. Аслида, Яратувчи ва Раззоқ зот бўлган Аллоҳга қурбонликнинг на гўшти ва на қони етади. Зотан У зот Ўзидан бошқалардан беҳожатдир. Шу боис, Аллоҳ таоло: **﴿Лекин У зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар﴾** -демоқда. Бошқачароқ таъбирда айтганда: У зотга сизларнинг қурбонлик

сўйишдаги ихлосингиз, ният ва У зот ризосини истаб қилинган амалларингиз етади, деб хабар бермоқда.

Ушбу ояти каримада, мусулмонларнинг ҳатто қурбонликларгача, амалларнинг фақат холисини қабул этувчи Аллоҳга холис қилиниши шартлигига ундаш бордир.

Аллоҳ таоло айтади:

﴿ قُلْ إِنَّ صَلَاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٦٢﴾ لَا شَرِيكَ لَهُ. وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا أَوَّلُ

الْمُسْلِمِينَ ﴿١٦٣﴾ الأنعام: ١٦٢ - ١٦٣

﴿Айтинг (эй Муҳаммад): "Албатта намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйинсунгувчиларнинг аввали – пешқадамиман"﴾ (163-164).

Ибн Касир роҳимахуллоҳ бу оят тафсирида жумладан бундай деганлар: Аллоҳ таоло Муҳаммад ﷺ ни Аллоҳдан бошқаларга ибодат қилаётган мушриклар ва Аллоҳдан бошқалар номини айтиб қурбонлик қилаётганларга: Аллоҳ сизларнинг бу каби қилмишларингизга бутунлай қарши эканини билдириш учун юборди. Аллоҳ таоло Росулulloҳ ﷺ ни намозларини ва қолган барча тоат-ибодатларини Ўзининг ризоси талабида, холис адо этишга буюрди:

**«Сиз Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва (жонлиқ) сўйиб, қурбонлик қилинг!»** Яъни, намозингни ҳам, қурбонлигингни ҳам фақат Мен учун холис қилгин!-деб, амр қилмоқда.

Дарвоқе, мушриклар бут ва санамларга сиғинишлари билан бирга, уларга атаб қурбонлик ҳам сўяр эдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло пайғамбарини мушрикларга қарши чиқишга ва ибодатини холис Аллоҳ учун қилишга буюрди.

Мужоҳид роҳимаҳуллоҳ Анъом оятидаги " **نسكي** " –яъни "**ибодатим**" калимасидан мурод; ҳажда сўйиладиган қурбонликлардир, деганлар. Айнан шу гап Саъид бин Жубайр, Суддий ва Заҳҳок роҳимаҳумуллоҳлардан ҳам нақл қилинган.<sup>55</sup>

Демак, мусулмонларнинг қурбонлик қилишларидан мақсад яратган Аллоҳга ибодат қилиш экан. Шунинг учун сўйиладиган жонлиқ хоҳ қурбонлик, хоҳ назр ёки ақиқа бўлсин, уни Аллоҳ таолодан бошқа нарса ёки кимса номига атаб сўйиш ножоиз. Али رضي الله عنه айтдилар: жаноб Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم менга тўрт калима айтдилар:

---

<sup>55</sup> -Тафсир Бин Касир 3/377.

"لعن الله من ذبح لغير الله و لعن الله من لعن والديه و لعن الله من آوى محدثا و  
لعن الله من غير منار الأرض"

**"Аллоҳ таолодан ўзгалар учун жонлиқ сўйганни Аллоҳ лаънатласин! Ота-онасини лаънатлаганни Аллоҳ лаънатласин! Бидъатчига жой берган кишини ҳам Аллоҳ лаънатласин! Ер аломатларини ўзгартирганни ҳам Аллоҳ лаънатласин!".<sup>56</sup>**

"**Лаънат**"нинг маъноси; Аллоҳ раҳматидан ҳайдалмоқ, қувилмоқ ва узоқлашмоқдир. Мазкур ҳадисда жаноб Росулulloҳ ﷺ даставвал Аллоҳдан ўзгалар номига атаб жонлиқ сўйган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин, деганлар. Бинобарин мазкур тўрт амалнинг энг хатарлиси Аллоҳдан ўзгалар учун жонлиқ сўйиш ҳисобланди. Зеро, Аллоҳдан бошқа нарсалар ёки кимсаларга атаб жонлиқ сўйиш ширқдир. Ҳадисда зикр этилган қолган уч амал эса гуноҳи кабиралардандир. Шу боис, агарда қурбонлик қилинаётган нарса арзимаган пашша бўлсада, уни Аллоҳдан бошқа номи айтиб сўйиш ширқ ҳисобланади. Имом Аҳмад "Зухд", Абу Наъим "Ҳулятул-авлиё" китобида келтирган ривоятда Салмон ал-Форисий رضي الله عنه бундай деганлар: бир киши бир пашша сабабли жаннатга кирибди. Бошқа бири эса бир пашша сабабли дўзахга кирган экан. Шунда ҳузуридагилар: қандай қилиб?-деб сўрабдилар. У киши: сизлардан илгари ўтган умматдан бўлган икки киши

---

<sup>56</sup> --Муслим 1978.

ногоҳон бутпараастлар устига тушиб қолади. Бу йўлдан ўтган киши, албатта ўша бут учун бирон нарсани қурбонлик қилиб, сўнг йўлида давом этарди. Бутпараастлар икки йўловчига қараб: бутимиз учун бирон нарса қурбонлик қилинглари!-дея буйруқ қилдилар. Улардан бири: қурбонлик қиладиган ҳеч нарсам йўқ-ку, ахир деди. Шунда улар: гарчи пашша бўлса ҳам қурбонлик қилишинг шарт-дедилар. Уларни гапига кириб бир пашшани қурбонлик қилади ва шу сабабли дўзах азобига дучор қилинади.

Улардан иккинчиси ҳам худди аввалигиси сингари ўша бут учун бирон нарсани қурбонлик қилишга буюрилди. Лекин у; мен Аллоҳдан бошқа бирон нарса учун асло қурбонлик қила кўрмасман, деб жавоб беради. Бу гапи учун бутпараастлар бошини танасидан жудо қилишди.(яъни, бутлари учун қурбонлик қилмагани сабабли уни ўлдиришди). Аммо унинг жойи жаннатда бўлди-дедилар.<sup>57</sup>

Бу муборак ҳадис хулосаси шуки; албатта Аллоҳ таолога ибодатида арзимаган нарсани бўлсада, У зотга шерик қилиш, кечирилмас катта гуноҳ - ширқдир.

Атиги бир пашшани Аллоҳдан ўзга бир бут учун қурбонлик қилиб, шу орқали унга тақарруб қилган кишининг оқибати дўзах бўлса, қўй ва молларини қабр ёки дов-

---

<sup>57</sup> -Зухд 32-33 бетлар. Ҳиля 1/203.

дарахт ва тошлар олдида сўйиш учун бўрдоқилаб боқаётганларнинг ҳоли не кечаркин?!

Имом Шавкониё роҳимахуллоҳ айтдилар: соҳибини диндан чиқариб, диннинг ҳам оёғини осмондан қиладиган катта бузуқ амаллардан бири; чорваларни қабрлар олдида олиб бориб, қабрдан бирон манфаат умидвор бўлиб сўйишдир. Чунки улар бу амалларида Аллоҳ номини эмас, балки ўша бут (қабр)лар номини ёдлашиб қурбонлик қилишади. Қабрларни "бут" дейишимиздан мақсад; тошдан ясалган бут ва қабрлар ўртасида, агар атамаларида демасак, айтарли фарқ йўқ. Номларнинг ўзгаришида амалларни ҳалол ёки ҳаром қилиш учун ҳеч қандай таъсири йўқ. Бу эса худди ароқхўр ароқ номини ўзгартириб "шароб" ёки бошқа атамалар билан атаб ичишлиги ароқнинг ҳаромлик ҳукми ўзгартирмаганига ўхшайди. Чунки атама қанчалик ўзгартирилмасин ароқ шаръан ҳаромлигича қолаверади.

Жонлиқ сўйиш эса Аллоҳ таолога сиғиналинадиган ибодатлардан биридир. Унга қурбонликлар, фидъялар ва назрлар киради. Қабрлар ёнида жонлиқ сўяётган кишиларнинг ягона мақсади: ўша қабрларни улуғлаш ва ундан ўзларига фойда етказиш ёки зарарларни дафъ этишни сўрашдир. Бу эса шак-шубҳасиз ибодатдир. Ибодатни Аллоҳдан бошқа нарсаларга буриш ширқдир. Аллоҳ таолодан бундай ёмон амаллардан паноҳ сўраймиз. Ла ҳавла вало қуввата илло биллаҳ, инна лиллаҳи ва инни илайҳи рожиуън. Пайғамбар ﷺ айтадилар:

**"Исломда пай кесиш йўқдир".**

**Изоҳ:** Жоҳилият даврида қабрлар ёнига жонлиқ келтирилиб, унинг пайлари кесилар ва ўша жонлиқ қабр соҳиби учун сўйилар эди. Улар бу нарсани: мана шу қабрда ётган киши ҳам меҳмонлари учун мана шундай жонлиқ сўйиб, зиёфат берарди. Шу боис, унинг қабри олдига, унга атаб жонлиқ сўямиз-деган эътиқод билан қилар эдилар.<sup>58</sup>

Жонлиқ сўйиш ибодатдир. Ибодатларни Аллоҳдан ўзгаларга буриш эса ширкдир. Қўй, эчки, товуқ ва ҳақозо жонзотларни қабрлар олдига олиб бориб, бўғизлаётган пайтда уларни бирон пайғамбар ёки солиҳ кишиларга атаб сўйиш ширкдир.

Мазкур ҳадисда Ислом дини мусулмонларни жоҳилият давридаги ширкий кўринишлардан бири: жонлиқларни қабрлар олдига олиб бориб сўйишдан қайтаргани баён қилинган.

Ушбу ҳадисни Абу Довуд роҳимаҳуллоҳ саҳиҳ санад билан ривоят қилганлар. Абдурроззоқ Санъоний айтдилар:

---

<sup>58</sup> -Ниҳоя фий ғарибил-ҳадис/ боб عقر

мушриклар қабрлар ёнида чорва-молларини бўғизлашар эди.<sup>59</sup>

Имом Шавканий муслмонларни хатарли амалларнинг биридан огоҳлантириб, олий жаноб насиҳат қилган эканлар. Аллоҳ у кишини Ўз раҳматига олсин!

Аллоҳ таоло барчамизни билиб-билмай ёмон амалларга тушиб қолишдан, У зотга ширк келтиришдан сақласин! Бажарган амалларимизни Ўзи учун холис ва Муҳаммад ﷺ суннатларига мувофиқ ҳолда қилишимизга ўзи мададкор бўлсин! албатта у зот саховат ва мурувват соҳибидир.

---

<sup>59</sup> -шарҳис-судур 529-630 бетлар.



## **Ўн биринчи сабоқ: ҳажда соч олишдан олинадиган сабоқлар**

Зул-ҳижжа ойининг 10-куни ҳожилар тош отиш, қурбонлик сўйиш, соч олдириш ва тавофлардан иборат тўртта муҳим ҳаж амалларини бажарадилар. Бу дарсимиз ҳаждаги соч олдиришга тааллуқлидир.

Маълумингиз, эркаклар ҳаж ва умрадан сочни устарада олдириб ёки қисқартириб чиқишлари вожибдир. Аёллар эса ҳар ўримидан бир бўғин миқдорида оладилар. Аллоҳ таоло бундай хабар берди:

﴿لَقَدْ صَدَقَ اللَّهُ رَسُولَهُ الرُّءْيَا بِالْحَقِّ لَتَدْخُلَنَّ الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ءَامِنِينَ مُحَلِّقِينَ

رُءُوسِكُمْ وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا فَجَعَلَ مِنْ دُونِ ذَلِكَ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾

الفصح: ٢٧

**«Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққирост қилди: албатта сизлар, (эй мўминлар), иншооллоҳ Масжид ал-Ҳаромга тинч-омон, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани қилди».** (Фатҳ 27).

Ибн Қудома роҳимахуллоҳ, агарда соч олдириш ибодат бўлмаганида, Аллоҳ таоло мўминларни у нарса билан сифатламаган бўларди-деганлар.

Ибн Аббос  айтдилар:

"لما قدم النبي صلى الله عليه وسلم مكة أمر أصحابه أن يطوفوا  
بالبیت و الصفا و المروة ثم يحلوا و يحلقوا أو يقصروا

**"Пайғамбар ﷺ Маккага келган вақтда саҳобаларини Байтуллоҳни тавоф ҳамда Сафо ва Марво орасида саъйи қилишларига, ундан сўнг сочларини қирдириб ёки қисқартириб эҳромларидан чиқишларига буюрдилар".<sup>60</sup>**

Шунинг учун ҳаж ёки умрадан сочни қирмасдан ёки қисқартирмасдан бурун эҳромдан чиққан киши бир жонлиқ сўйиб қон чиқариши вожибдир. Айти пайтда, соч олдириш эҳром муддатининг ниҳоясини билдириш ва суннати Росулulloҳга иқтидо қилишдир.

Пайғамбар ﷺ ҳажда муборак сочларини қирдириб, саҳобаларни кирларини ташлаб, тўзиб-чанг бўлган сочларини олишларига буюрдилар.

Дарҳақиқат, ўзни юксаклик ва қувват соҳиби бўлган Аллоҳ таолога топшириш улуғ ибодатдир. Шунинг учун ҳажда сочини устарада олдираётган ёки қисқартираётган ҳар бир ҳожи ҳажда соч олдириш ҳаж амалидан эканини билиб олиши шарт. Сочни ибодат тарзида Аллоҳдан бошқага атаб олиш эса ножоиздир.

---

<sup>60</sup> -Бухорий 1731.

Шайхул-Ислом роҳимаҳуллоҳ: пирлар ёки қабрларни улуғлаб, улар олдида соч олишнинг ҳукми нима? –деган саволга қуйидагича жавоб берганлар.

Соч олдириш тўрт турга бўлинади;

**Биринчиси:** ҳаж ёки умра амалини бажариб бўлгандан сўнг олинадиган соч. Бунга далил Қуръон ва суннатда ворид бўлган оят ва ҳадислар. Қуръондаги далил ушбу оятдир:

﴿لَقَدْ صَدَقَ اللَّهُ رَسُولَهُ الرُّؤْيَا بِالْحَقِّ لَتَدْخُلَنَّ الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ ءَامِنِينَ مُحَلِّقِينَ رُءُوسَكُمْ وَمُقَصِّرِينَ لَا تَخَافُونَ فَعَلِمَ مَا لَمْ تَعْلَمُوا فَجَعَلَ مِنْ دُونِ ذَلِكَ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿٢٧﴾﴾

الفتح: ٢٧

**«Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққирост қилди: албатта сизлар, (эй мўминлар), иншооллоҳ Масжид ал-Ҳаромга тинч-омон, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани қилди».**(Фатҳ 27).

Пайғамбаримиз ﷺ ҳаж ва умрадан чиққанларидан сўнг табаррук сочларини олдирганликлари жуда кўп мутавотир ҳукмидаги ҳадисларда собит. Шунингдек мазкур ҳадисларда сочни қирдириб олишнинг афзаллиги ҳам таъкидланади. Жумладан саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар ﷺ:

"اللهم اغفر للمحلقين. قالوا: يا رسول الله و المقصرين. قال: اللهم اغفر للمحلقين. قالوا يا رسول الله و المقصرين. قال: اللهم اغفر للمحلقين. قالوا يا رسول الله و المقصرين."

**"Аллоҳ, сочларини қирдириб олганларни раҳматига олсин! –деб, уч марта такрорладилар. Шунда саҳобалар: эй Росуллоҳ, сочларини қисқартирганларничи-дейишди. Шундан сўнг Росуллоҳ ﷺ: қисқартирганларни ҳам раҳматига олсин! –деб қўшиб қўйдилар.<sup>61</sup>**

Шунингдек Пайғамбаримиз ﷺ қурбонлик қиладиган жонлиқ-ҳадяларини ўзлари билан етаклаб келган саҳобаларга Байтуллоҳни тавоф, Сафо ва Марво оралиғида саъий қилганларингдан кейин сочларингни қисқартирингиз, ҳаж амалларини тугатганларингиздан кейин эса қирдириб олингиз, деб буюрганлар.

**Иккинчи тури:** сочи зарурат пайтларида олдириш. Бу эса худди бошида яраси бор кишининг сочи ярасини даволатиш учун олдириганига ўхшайди. Бу ҳам шаръан жоиздир. Шу боис, ҳаж асносида соч олдиришдан қайтарилган ҳожи боши тўсатдан бирон дардга чалиниб, сочи олдириш ёки қисқартиришга зарурат туғилса, у


---

<sup>61</sup> -Бухорий 1727. Муслим 1301.

ҳолда Китоб ва суннат рухсати ила жоиздир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ فَإِنْ أُحْصِرْتُمْ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ وَلَا تَحْلِقُوا رُءُوسَكُمْ حَتَّىٰ يَبْلُغَ الْهَدْيُ مَحَلَّهُ ۚ فَمَنْ كَانَ مِنْكُمْ مَّرِيضًا أَوْ بِهِ أَذًى مِّن رَّأْسِهِ ۖ فَفِدْيَةٌ مِّن صِيَامٍ أَوْ صَدَقَةٍ أَوْ نُسُكٍ ۚ فَإِذَا أَمِنْتُمْ فَمَنْ تَمَنَّعَ بِالْعُمْرَةِ إِلَى الْحَجِّ فَمَا اسْتَيْسَرَ مِنَ الْهَدْيِ ۚ فَمَنْ لَّمْ يَجِدْ فَصِيَامٌ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ۚ فَمَنْ فِي الْحَجِّ وَسَعَفَ إِذَا رَجَعْتُمْ ۚ تِلْكَ عَشْرَةٌ كَامِلَةٌ ۚ ذَٰلِكَ لِمَنْ لَّمْ يَكُنْ أَهْلُهُ حَاضِرِي الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ وَاتَّقُوا اللَّهَ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١٩٦﴾ البقرة: ١٩٦

﴿Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун комил суратда адо қилинг! Агар йўлингиз тўсилиб қолса, муяссар бўлган бирор ҳадя юборинг ва ҳадянгиз ўз жойига етиб бормагунча бошларингизни қирманг! Энди агар сизлардан кимдир касал ёки бошида бирон дарди бўлса, у ҳолда (уч кун) рўза тутуш ёки (олти мискинга) садақа бериш ёхуд (бир қўй) сўйиш билан эваз тўласин! Қачонки хотиржам бўлсангиз ким ҳаж (йўлида) умрадан фойдаланган бўлса муяссар бўлган бирон ҳадяни юборсин! Ким топа олмаса, уч кун ҳажда, қайтганидан кейин етти кун рўза тутсин! Бу тўла ўн кундир. Ушбу ҳукм аҳли оиласи Масжид ал-Ҳаромда бўлмаган кишилар учундир. Аллоҳдан қўрқингиз! Ва билингки, Аллоҳ – азоби қаттиқ зотдир﴾. (Бақара 196)

Ҳудайбия умрасида жаноб Росулulloҳ ﷺ Каъб ибни Ужра  олдидан ўтаётиб, у кишининг бошидан тирқираб тушаётган битга кўзлари тушди ва: **"Бошингиздаги ҳашоротлар азор беряптими? –деб сўрадилар. У киши: "Ҳа"-деб жавоб берди. Шунда Росулulloҳ ﷺ унга: "Бўлмаса сочингизни олдингиз! Ва бунинг**

**эвазига бир қўй сўйинг ёки уч кун рўза тутинг ёхуд олти мискин-бечорага бир фарақ таом беринг!"** – дедилар.<sup>62</sup>

**Учинчи тури:** сочни ҳаж ёки умрадан бошқа вақтда ибодат юзасидан олдириш.

Бу ўринда айримларнинг баъзи бир тавба қилган зотларга: сочларингни олдиришлар! – дейиши ёки сочни доимо қирдириб юриш тақводорлик шиори ёхуд зоҳидликнинг камолоти, деган ўй-гумонлар, шунингдек, сочини олдириб юрган киши соч олдирмагандан кўра динда афзалроқ, деб эътиқод қилишларни мисол тарзида келтирсак бўлади. Дарвоқе, булар жумласига бир қўлида жойнамоз, яна бирида қайчиси бўлган **"пир"**лар ҳам киради. Чунки улар қўлларида тавба қилган кишиларнинг дарҳол сочини олишиб, шу билан ўзларининг ҳақиқий пирликларини исботлайдилар.

Мазкур ишлар Аллоҳ ҳам, Пайғамбар ҳам буюрмаган бидъатдир. Ҳукм жиҳатдан мазкур амаллар на вожиб ва на мустаҳабдир. Бу амалларнинг бидъатлиги шундан ҳам маълумки: уни на бирон саҳобий ва на тобеън ва на бирон тақводор олимнинг қилган эмасдир. Ҳеч бир китобда нақл этилмаганидан маълумдир.

Жаноб Росулulloҳ ﷺ даврида Ислом динига кирганларнинг биронтаси соч олдиришга буюрилмаган.

---

<sup>62</sup> -Бухорий 1814, Муслим 1201.

Ҳеч вақт Росулulloҳ ﷺ бирон бир саҳобийнинг сочини кесмаганлар.

Шунингдек, Пайғамбар ﷺ намозларини хос жойнамозда эмас, балки саҳобалари билан биргаликда, улар ўқиган жойда, улар билан бирга ўқир эдилар. Саҳобалари ниманинг устида ўтирсалар, у зот ҳам ўшанинг устида ўтирардилар. Пайғамбаримиз ҳеч вақт хос жойнамоз қўлтиқлаб юрмаганлар.

Шундай экан, вожиб ёки мустаҳаб бўлмаган бидъат амалларни ибодат, деб эътиқод қилиб, ўзи билган бидъатларга тавба қилувчилар, зоҳид ва обидлар ҳам амал қилишлари шарт бўлган диннинг камолатидир, деб эътиқод қиладиган киши, шубҳасиз тўғри йўлдан тойган, шайтон изига эргашганларнинг биридир.

**Тўртинчи тури:** сочни ибодатдан ташқари вақтларда ибодатни қасд қилмасдан олдиришдир.

Бу тур соч олдириш ҳукмида уламолар икки раъйни билдиришганлар.

**Биринчи раъй;** имом Молик ва имом Аҳмад (бир қавлда): буни макруҳ-деганлар.

**Иккинчи раъй;** имом Абу Ҳанифа, имом Шофеиъӣ ва имом Аҳмад (бир қавлда)лар: бу тур соч олдириш Мубоҳдир,- деганлар.<sup>63</sup>

Шайх Муҳаммад бин Абу Бакр Димишқий роҳимаҳуллоҳ соч олдириш турини юқорида зикр этилганидек тақсимлаб бундай деганлар: сочни олдириш турларида бидъат ва ширклари ҳам мавжуд. Масалан; сочни Аллоҳдан ўзгага сиғиниб олдириш ана шу бидъатлардандир. Муридларнинг пирлари учун сочларини олдириб: мен фалончи пирим учун сочимни олдирдим, сен ҳам фистончи пиринг учун олдиргин! –қабалидаги сўзлари, гўёки мен фалончи пирга сиғиндим, сен ҳам фистончига сиғингин! –дейишга ўхшашдир. Чунки соч олдириш замирида; сиғиниш, бўйинсуниш ва хорликни изҳор этиш, деган маънолар мужассамдир.

Шу сабабдан соч олдириш ҳаж амалининг камолати ҳисобланган. (Бу маънони билмаган) залолат пирлари эса муридларининг соч олишларини ўзларига сажда қилишни безаб кўрсатганлари каби, чиройли қилиб кўрсатадилар.<sup>64</sup>

Аллоҳ таолодан бу каби ширк амаллардан паноҳ сўраймиз!

---

<sup>63</sup> -Фатаво 21/116-119.

<sup>64</sup> -Здул-маод 4/159-160.



## **Ўн иккинчи сабоқ: Дуонинг холис Аллоҳга қилишини шартлиги хусусида**

Ҳожи биродарларимизнинг ҳаждаги улуғ ибодатларидан бири дуодир.

Дуо жуда ҳам улуғ ибодатлиги боис жаноб Росулulloҳ ﷺ: **"Дуо, у ибодатдир"**, -деб марҳамат қилганлар.<sup>65</sup>

Дарҳақиқат дуо шаъни улуғ, мартабаси олий ибодатлигини Қуръони карим ва саҳиҳ суннатда дуо ҳақида ворид бўлган кўплаб далиллар таъкидлайди.

Қуръони карим ва суннатдаги далиллар гоҳо дуо қилишга буйруқ тарзида, баъзан дуонинг мартабаси баёнида, баъзан дуогўйлар ҳаққиға мақтовлар айтиш ва дуо эвазига берилажак улкан ажру савобларни баён қилиш ёхуд дуоға бепарволикдан ёки уни менсимасликдан огоҳлантириш шаклларида келади. Дуо одоби ҳақида Аллоҳ таоло бундай деди:

﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ﴾ الأعراف: ٥٥

**﴿Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда (махфий) дуо-илтижо қилингиз! Зотан, У ҳаддан ошувчи кимсаларнисевмас﴾.**(Аъроф55). Аллоҳ таола айтади:

---

<sup>65</sup> - Муснад Аҳмад 4/271, Термизий 2969.

﴿هُوَ الْحَيُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾ (غافر: ٦٥)

«Аллоҳ тирик зотдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, сизлар У зот учун динни холис этган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳ учундир».(Ғофир 65).

Парвардигор бандаларига ҳар замон ва ҳар маконда яқин, дуогўйлар дуосини ижобат қилувчи Зот экани ҳақида хабар бериб деди:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادِي عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الدَّاعِ إِذَا دَعَانِ فَلْيَسْتَجِيبُوا لِي

وَلْيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾ (البقرة: ١٨٦)

«Бандаларим сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиламан. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга иймон келтирсинлар».(Бақара 186).

Аллоҳ таола айтади:

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ عِبَادَتِي سَيَدْخُلُونَ جَهَنَّمَ

دَاخِرِينَ﴾ (غافر: ٦٠)

**«Парвардигорингиз: "Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга (қилган дуоларингни) мустажоб қилурман", деди. Албатта Менга ибодат этишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларида жаҳаннамга кирурлар».** (Ғофир 60).

Бунга қўшимча ҳаж мавсимида ҳам макон, ҳам замон фазилатининг жам бўлиши янада ҳожилар эътиборини Аллоҳ таолога кўплаб дуо-илтижолар қилишга жалб этади. Ҳажда ҳожиларнинг қалбларига титроқ киради, Аллоҳ таоло ризоси учун интилишлари янада зиёда бўлади. Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ: Арафот оқшоми ҳожилар қалбига нур ва раҳмат тушиши аниқ. Лекин уни таъбир қилиш қийин-деганлар.

Арафот куни дуоси ҳақида жаноб Росул Акрам ﷺ:

"خير الدعاء دعاء يوم عرفة"

**"Дуоларнинг энг афзали Арафот куни дуосидир",-** деганлар.<sup>66</sup>

Ушбу ҳадис шарҳида Ибн Абдулл-Барр роҳимаҳуллоҳ шундай деганлар: бу ҳадисда Арафот кундаги дуо бошқа вақтлардаги дуолардан афзалроқдир-деган мазмун бор, ва

---

<sup>66</sup> -Термизий 3585.

бу ҳадис ғолибан Арафот кунида қилинган дуоларнинг мустажоблигига далолат қилмоқдадир.<sup>67</sup>

Росул Акрам ﷺ ҳажда қиблага юзланган ҳолда дуога қўл очиб турган ўринлар бор. Ўша ўринларда, у зотга эргашган ҳолда Аллоҳ таолога дуо-илтижо қилиш айна суннатдир. Росул Акрам ﷺ ҳаж асносида мана шу олти жойда муборак икки қўлларини юқорига кўтариб дуо қилганлар:

**1-2: Арафот ва Машъар ал-ҳаром** (яъни, Муздалифа)да. Бунга далил ушбу ояти каримадир:

﴿فَإِذَا أَفْضْتُمْ مِنْ عَرَفَاتٍ فَأَذْكُرُوا اللَّهَ عِنْدَ الْمَشْعَرِ الْحَرَامِ﴾ البقرة: ١٩٨

﴿Энди Арафотдан тушганингиздан кейин Машъар-ал-Ҳаромда Аллоҳни зикр қилинг!﴾(Бақара 198).

**3-4: Софа ва Марвода.** Бунга далил: Жобир ибн Абдуллоҳ رضي الله عنهнинг **Росул Акрам ﷺ Сафо устида турган пайтларида уч марта такбир айтиб, сўнгра: "Ла илаҳа иллоллоҳ ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд ва ҳува аъла кулли шайъин қодийр-ни уч бор такрорладилар ва дуо қилдилар. Марвада ҳам худди шундай қилдилар**-деган ривоятдир.<sup>68</sup>

---

<sup>67</sup> -Тамҳид 6/41.

<sup>68</sup> -Муслим 1218.

**5-6:** Набий ﷺ иккинчи ҳайит куни кичик ва ўрта жамара (шайтон рамзи)га тош отиб бўлганларидан кейин қиблага юзланиб қўлларини кўтариб дуо қилганлар. Бунга далил имом Бухорий ривоят қилган Ибн Умар ﷺ ҳадисидир. Ибн Умар дунё жамараси (яъни Маккадан энг узоқ жойлашган шайтон рамзи)га ҳар тош изидан такбир айтиб кетма-кет етти тошни отганларидан сўнг олдинроқга юриб, текисликка тушиб, қиблага юзланган ҳолда қўлларини кўтариб узундан узоқ дуо қилардилар. Жамартул-вусто (ўрта жамара)га тош отгандан кейин худди аввалгисидек қиларди. Кейин чап ёнидаги текисликка тушиб, қиблага юзланган ҳолда қўлларини кўтариб узундан узоқ дуо қилардилар. Водийнинг ўртасида жойлашган Аъқаб жамрасига отгандан сўнг тўхтамасдан ортига қайтарди ва Росулulloҳ ﷺнинг худди мана шу ўринларда қўлларини кўтариб дуо қилганларини кўрганман, дердилар.<sup>69</sup>

Ана шу олти жойда Набий ﷺ ҳаж қилганларида қўлларини кўтариб дуо қилганликлари собит бўлган. Умуман олганда дуо ҳаждагина қилинадиган ибодат эмас. Дуо ҳар доим, барча тоат-ибодатларда ўрни бўлган, олий ибодатдир. Жаноб Росулulloҳ ﷺ **"Дуо, у ибодатдир"**<sup>70</sup>-деган марҳаматлари бежиз эмас. Зотан, дуо ибодатлар руҳи ва мағзидир. Дуогўйлик эса ҳар бир мусулмоннинг олий вазифасидир. Шунинг учун ҳар бир мусулмон дуодан

---

<sup>69</sup> -Бухорий 1751.

<sup>70</sup> -Муснад Аҳмад 4/271, Термизий 2969.

илгари дуонинг одобларини пухта ўрганиб, дуонинг мустажоб бўлишидан тўсадиган нарсалардан четланмоғи даркор. Дуоларни дуо ижобат бўладиган вақтларда қилиш аини муддаодир. Энг муҳими, улуғ ибодатлар жумласидан бўлган **Дуо** Аллоҳ таолога холис қилинмоғи шартдир. Зотан, дуоларни ижобат қилувчи ҳам, ёрдам-нусрат берувчи ҳам, шифо берувчи ҳам ягона Аллоҳдир. Шунинг учун дуо фақатгина Аллоҳ таолога қилинади. У зотдан ўзгаларга дуо-илтижо қилиш ширқдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا تَدْعُ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ وَلَا يَضُرُّكَ فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِنَّكَ إِذَا مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿١٠٦﴾ وَإِنْ يَمَسُّكَ اللَّهُ

يَضُرُّكَ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِنْ يُرِدْكَ بِخَيْرٍ فَلَا رَادَّ لِفَضْلِهِ يُصِيبُ بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ

﴿ وَهُوَ الْعَفُورُ ﴾ يونس: 106 - 107

«Аллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага дуо-илтижо қилманг! Бас, агар шундай қилсангиз, у ҳолда албатта зolimлардандирсиз. Агар сизга Аллоҳ бирон зиён етказса, уни фақат Ўзигина кеткиза олур. Агар сизга бирон яхшилик (етказишни) ирода қилса, Унинг фазлу марҳаматини қайтара олгувчи йўқдир. У Ўзи хоҳлаган бандалирига яхшилик етказур. У мағфиратли, меҳрибондир». (Юнус 106-107).

Мўминун сурасида Аллоҳ таоло:

﴿ وَمَنْ يَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ لَا بُرْهَانَ لَهُ بِهِ فَإِنَّمَا حِسَابُهُ عِنْدَ رَبِّهِ إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الْكَافِرُونَ ﴾

﴿ ۱۱۷ ﴾ المؤمنون: ۱۱۷

«**Ким ўзи учун ҳеч қандай ҳужжат бўлмаган ҳолда Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилса, бас, унинг ҳисоб-китоби Парвардигорининг ҳузурида бўлур. Албатта, кофир бўлган қимсалар нажот топмаслар!**» (Мўминлар 117).

Жин сурасида эса:

﴿ وَأَنَّ الْمَسَاجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا مَعَ اللَّهِ أَحَدًا ﴾ الجن: ۱۸

«**Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирор кимсага дуо-илтижо қилманглар!**» (Жин 18).

Аллоҳ таола айтади:

﴿ هُوَ الْحَيُّ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ فَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ غافر: ۶۵

«**Аллоҳ тирик зотдир. Ҳеч қандай илоҳ йўқ магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, сизлар У зот учун динни холис этган ҳолингизда дуо-илтижо қилингиз! Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳ учундир!**» (Ғофир 65).

Дуо одобларини таълим олишга чорлаб Аллоҳ таоло бундай дейди:

﴿ادْعُوا رَبَّكُمْ تَضَرُّعًا وَخُفْيَةً إِنَّهُ لَا يَحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٥٥﴾ وَلَا تَقْسُدُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ

إِصْلَاحِهَا وَادْعُوهُ خَوْفًا وَطَمَعًا إِنَّ رَحْمَتَ اللَّهِ قَرِيبٌ مِّنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾﴾ الأعراف: ٥٥ - ٥٦

**«Парвардигорингизга тазарру билан ичингизда (махфий) дуо-илтижо қилинглар! Зотан, У ҳаддан ошувчи кимсаларни севмас. Ва (Аллоҳнинг дини билан) ўнглаб қўйилганидан кейин, ерда бузғунчилик қилманг! У зотга (азобидан) кўрқиб, (раҳматидан) умидвор бўлган ҳолингизда ибодат қилингиз! Зеро Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилгувчиларга яқиндир».** (Аъроф 55-56).

Демак, дуодан олдин таҳорат олиб, қиблага юзланган ҳолда икки қўлини кўтариб Аллоҳга ҳамду сано ва Росулulloҳга саловатлар айтиб, бутун вужуди билан дуосининг ижобат бўлишига чин юракдан ишониб, дуо ижобат қилинадиган вақтларда Аллоҳнинг азобидан кўрқиб, У зотнинг раҳматидан умидвор бўлган ҳолда, ўртага Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва чиройли сифатлари қўйиб қилинадиган дуо - илтижолар мустажабдир, иншаАллоҳ.

Сунанда келишича Пайғамбар ﷺ бир саҳобийнинг:

"اللهم اني أسئلك بأني أشهد أنك أنت الله لا إله الا أنت الأحد

الصمد الذي لم يلد ولم يولد ولم يكن له كفوا أحد".

**"Эй Роббим, мен Сенинг Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ магар ёлғиз Аҳад ва Самад бўлган Ўзинггина**



**борлигингга гувоҳлик бериб сўрайман", –деб илтижо қилаётганини эшитиб, унга:**

" لقد سئلت الله باسمه الأعظم الذي اذا سئل به أعطى و إذا دعي به أجاب "

**"Ҳақиқатда, сиз Аллоҳдан у билан сўралса берадиган, дуо-илтижо қилинса ижобат қилинадиган Исми аъзамини ўртага қўйиб сўрадингиз", -дегандилар.<sup>71</sup>**

---

<sup>71</sup> -Абу Довуд 1943, Термизий 3475.

## **Ўн учинчи сабоқ: Динда ғулув (чуқур кетиш) дан эҳтиёт бўлмоқ баёнида**

Ҳожиларнинг ҳажда оладиган энг катта фойдаларидан бири барча амалларда ўрта-адолатли бўлиш нақадар муҳим эканлигини ўрганишларидир.

Кўпчилик ҳожилар ҳаж асносида динда ҳаддан ошиш ёки кўпик сингари юзакиликдан йироқ бўлиш шарт эканини яхши тушунадилар. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ

شَهِيدًا﴾ البقرة: ۱۴۳

**«Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта бир миллат қилдик».** (Бақара 143). Яъни, сизлар ҳақни қўйиб ўнгу сўлга оғиб кетмайдиган одил гувоҳсизлар. Сизлар чуқур кетишга ҳам, юзакиликка ҳам йўл қўймайдиган умматсизлар. Сизлар ўрта-адолатли миллатсизлар.

Ибрат кўзи билан қараб, суннатга аҳамият берувчи ҳар бир инсон, биргина ҳаж ибодатининг ўзида кўплаб адолат ва ўрталikka бошловчи сабоқлар борлигини билиб олади.

**Ана шундай сабоқлардан бири;** жаноб Росулulloҳ ﷺнинг шайтон рамзига тош отишдаги суннатларини билишдир.

Бугунги кунда шайтон рамзига тош отаётган ҳожиларнинг ҳолига назар қилган киши, бу амални бажаришда ҳожиларнинг ё чуқур кетганлигини ёки аксинча ўта сустлик қилаётганликларининг шоҳиди бўлади. Табиийки, бундан Пайғамбар ﷺ суннатини тутиб, У зотга эргашганлар мустаснодир. Муслмонлар орасида барча амалларида Пайғамбар ﷺга эргашувчилари, суннатни маҳкам тутувчилари шубҳасиз то қиёматга қадар мавжуд бўлади. Имом Аҳмад, Насоий ва Ибн Можа роҳимахуллоҳлар ривоятида Ибн Аббос ؓ айтдилар: жаноб Росулulloҳ ﷺ Ақаба куни тонгда туяларига минган ҳолларида, менга қараб: **"Менга тош олиб беринг!- дедилар. Шунда мен у зотга: (нўхатдан қаттароқ) еттита тош олиб бердим. У зот тошларни кафтларида тозалай туриб: "Мана шундай тошларни отингиз!"-дедилар. Сўнгра: "Эй одамлар, динда чуқур кетиш-ҳаддан ошишдан огоҳ бўлингиз! Дарҳақиқат сизлардан илгари ўтган қавмларни ҳалокатга учратган нарса ҳам ғулув (ҳаддан ошишлари) дир", -дедилар.**<sup>72</sup>

Мазкур ҳадисдаги Росулulloҳ ﷺнинг: **"Мана шундай тошларни отингиз!"**-деган сўзларидан мурод, ўзлари отган тошлар ҳажмидаги тошларни отиш суннатга мувофиқлигини ифода қилмоқда.

---

<sup>72</sup> -Муснад 1/215, Насоий 5/268, Ибн Можа 3069.

Ҳозирги кунда тош отаётган кўпчилик ҳожилар ҳолига назар солсангиз, уларнинг ё ҳаддан ошганликларини ёки сустликка йўл қўйганликларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Баъзи ҳожилар жамараларни ҳақиқий шайтон, деган хаёлга боради. Бу амалдаги суннатни тамоман унитлади. Нўхат ҳажмидаги тошлар ўрнига бошни ёрадиган, кўзни кўр қиладиган (ёнғоқдек) катта тош ёки соябон ва шулар каби қўлга илинган нарсаларни отадилар. Бу ўта кетган жоҳиллик аломатидир.

Ҳолбуки суннатда ҳаддан ҳам ошилмайди, сустликка ҳам йўл қўйилмайди. Зеро, суннат адолат-ўрталиқдир.

Пайғамбар ﷺ нинг: "**Ғулув (ҳаддан ошиш)дан огоҳ бўлингиз**",- деган муборак сўзларини зимнига барча ҳаддан ошишлар: у ибодатдами ё эътиқодда бўлсин ҳамма-ҳаммаси киради. Шу боис, муслмонлар ҳар доим ҳаддан ошишдан қайтарилиб, айна чоғда барча ишларида суннатга эргашишга буюрилганлар. Аммо бу ёқда мўминларнинг энг ашаддий душмани бўлмиш шайтону лаъин ҳам бор. Шайтон мўминларни ҳар сонияда йўлдан оздириш учун бор имкониятини сарфлайди. Мўминларни йўлдан уриб динда чуқур кетишга ёки сустлик қилишга киргишиш учун бетиним ҳаракат қилади. Шу боис, ўтмишдаги айрим уламоларимиз: Аллоҳ таоло буюрган ҳар бир амалда шайтон васвасаси учун икки ўрин бор бўлиб, у ўта сустлик ёки ўта ҳаддан ошишлиқдир. Кишининг мана шу икки йўналишнинг бирига амал қилиши шайтон учун зафардир",-деганлар.

Шайх Муҳаммад бин Абу Бакр Димишқий роҳимаҳуллоҳ "Ифосатул-лаҳфан" китобида бундай деганлар: Шайтоннинг макру-ҳийлаларидан бири, шайтон ҳар бир кишининг нимага эҳтиёжи борлигини билмагунгача бирон ишга қўл урмайди. Шайтон бир кишини йўлдан уришдан бурун, унга ҳужум қилган қулайми ёки чекиниш ва хорлаш қулайми эканлигини аниқлаб олади. Борди-ю қайси бир нафсга хорлик ғолиб бўлса, уни сустлаштириб, ҳимматини пастлатади. У ўша нафс қилаётган амалини бутунлай тарк этгунига қадар, бордию буни уддалай олмаса ўша ибодатга эътиборсиз бўлиб қолгунгача тинмасдан ҳаракатида давом этади. Агарда у қайси бир нафснинг олийҳимматлигини билса, у ҳолда унга: бу амалинг озлик қилади. Кўпроқ амал-ибодат қилсанг бўлмайдими?- деб васваса қила бошлайди. Оқибатда аввалгиси суст ва иккинчи эса ҳаддан ошадиган бўлиб қолади.

Кўпчилик ана шу икки тамоннинг бирига оғиб кетганликлари туфайли Пайғамбаримиз ва саҳоба-и киромлар издошларининг камайиб кетаётганидан ачинамиз.<sup>73</sup>

Одамлар уч тоифага бўлинади:

Биринчи: аҳли ғулув-ҳаддан ошган, чуқур кетганлар.

Иккинчи: аҳли жафо- сустлик қилувчилар.

---

<sup>73</sup> -Ифосатул-лаҳфан 1/136.

Учинчи: адолатпарвар-ўрталар.

Албатта барча ишда ғулув ва ифротдан четланиб адолатпарвар-одил бўлиш барча мусулмонлар юриши лозим бўлган тўғри йўлдир. Зеро Аллоҳ таоло Қуръонда, Росулulloҳ ﷺ суннатларида мусулмонларни тўғри йўлни тутишларига буюради. Ҳақиқий адолат-ўрталик эса Аллоҳ таоло чегаралаб берган ҳад билан кифояланиб, ундан зиёда ҳам, нуқсон ҳам қилмаслиқдир. Аллоҳ таоло ўрта-тўғри йўлни тутган мусулмонлар ҳаққига мақтовлар айтиб Қуръон оятларида жумладан шундай деди:

﴿وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ﴾

الفرقان: 68

**﴿Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо-илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, уқубатга дучор бўлур﴾.** (Фурқон 68).

Аллоҳ айтади:

﴿وَلَا تَجْعَلْ يَدَكَ مَغْلُولَةً إِلَىٰ عُنُقِكَ وَلَا تَبْسُطْهَا كُلَّ الْبَسْطِ فَتَقْعُدَ مَلُومًا مَّحْسُورًا﴾

الإسراء: 29

**﴿(Бахиллик билан) қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг. Исрофгарчилик қилиш билан уни бутунлай ёзиб ҳам юборманг. Акс ҳолда, маломат ва надоматга қолурсиз﴾.** (Исро 29).

Аллоҳ таола айтади:

﴿وَأَتَا ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْمِسْكِينَ وَابْنَ السَّبِيلِ وَلَا يَبْدُرْ تُدِيرًا﴾ الإسراء: ٢٦

**«Эй Муҳаммад), қавми-қариндошга, мискин ва йўловчига (хайру эҳсон қилиш билан) ҳақларини ато этинг ва исрофгарчиликка йўл қўйманг! Чунки исроф қилгувчилар шайтонларнинг дўстлари бўлган кимсалардир. Шайтон эса Парвардигорига бутунлай кофир бўлгандир».** (Исро 26-27).

Аллоҳ айтади:

﴿يَبْنِيْءَادَمَ خُدُوًا زَيْنَتَكَ عِنْدَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَكُلُوْا وَاشْرَبُوْا وَلَا تُسْرِفُوْا اِنَّهُ لَا يُحِبُّ الْمُسْرِفِيْنَ﴾

الأعراف: ٣١

**«Эй одам болалари, ҳар бир сажда чоғида зийнатланингиз ҳамда (хоҳлаганингизча) еб-ичаверинглар, фақат исроф қилманглар. Зотан, У исроф қилгувчи кимсаларни севмас».** (Аъроф 31).

Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَقْصِدْ فِي مَشْيِكَ وَاغْضُضْ مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ﴾ لقمان: ١٩

**«Юрганигда ўртача юргин ва овозингни паст қилгин. Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир».** (Луқмон 19).

Саҳиҳ хабарларда жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"القصد، القصد، تبلغوا"

**"Ўрта, ўрталикни лозим тутинглар! Мақсадга етасизлар",**-деганлар.<sup>74</sup> Яъни, феълларингиз ва сўзларингизда ўрта-адолатпарвар бўлингиз!-деганлар.

Муснадда ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда жаноб Росулulloҳ ﷺ:

"عليكم هديا قاصدا فانه من يشاد الدين يغلبه"

**"Ўрта йўлни тутингизлар! Зеро динни енгаман деган кишини, дин шубҳасиз мағлуб қилур",** -деганлар.<sup>75</sup>

Ибн Масъуд ﷺ:

"الإقتصاد في سنة خير من الاجتهاد في بدعة", "

**"Бир суннатга иқтисод қилиш, бидъатда ижтиҳод қилишдан яхшироқдир"**-дердилар.<sup>76</sup>

Демак, динини маҳкам тутган одам ким?-деган саволни жавоби шудир.

Дини мустаҳкам киши: Муҳаммад ﷺ йўлини суннатга эргашган ҳолда Аллоҳ таолонинг ўрта-адолатли динини маҳкам тутиб, ибодат ва эътиқодда ҳаддидан ошмаган, ўта

---

<sup>74</sup> -Бухорий 6463.

<sup>75</sup> -Муснад 5/350-361.

<sup>76</sup> -Шарҳул-эътиқод Лалакаий 1/88.



суслик ҳам қилмасдан динини маҳкам ушлаган  
муслмондир. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир.

**Хотима:** азиз ҳожи биродарим! Ушбу рисолачамизда, мусулмонлар ҳаж мавсимида истифода қиладиган сабоқларнинг ҳар бир ҳожига аҳамиятли саналганларидан бир жумласини эътиборингизга ҳавола қилдик.

Шоҳиди бўлганингиздек, улуғ ҳаж ибодати улкан сабоқлар, ибратли фойдаларга бой ибодатдир. Бироқ ундан фойдаланишда ҳожи биродарларимизнинг ўзаро тафовут қилишлари табиий. Кенг водийга кўп сув сиққани каби, кенг юракка кўп илм жой бўлади.

Аллоҳ таоло қалбларимизни кенг айлаб, дилларимизни ўз нури ила равшан қилсин! Барчамизга фойдали илм бериб, солиҳ амаллар қилишимизни миннат айласин. Дилларимизни эса тоат-ибодати билан обод қилсин! Зеро У зот дуоларимизни эшитгувчи, Кифоячимиз ҳамда нақадар яхши Хожамиздир.

## **Мундарижа**

Муқаддима.....	4
Улуғ ҳаж ибодатининг юксак мадраса экани хусусида .....	5
Ҳаждаги манфаатлар хусусида .....	13
Тавҳид калимаси ила овозни баралла.....	21
Ширкдан огоҳлантирғувчи талбия далолати .....	29
Талбиядан олинадиган айрим фойдалар .....	38
Байтуллоҳни тавоф қилишдаги сабоқлар .....	44
Ҳажар ал-асвадни ўпиш ва Рукни ямонийни силаш .....	52
Росулуллоҳ ﷺ суннатлари ва йўлини маҳкам тутуш .....	57
Арафот кунини сабоқлари .....	64
Қурбонлик сўйишда Аллоҳ таолога ихлоснинг вожиблиги .....	71
Ҳажда соч олишдан олинадиган сабоқлар .....	80
Дуонинг халис Аллоҳга қилишини шартлиги хусусида .....	88
Динда ғулувга (чуқур) кетишдан эҳтиёт бўлмоқ баёнида .....	97
Хотима .....	105